Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

29 ДЕКАБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЧОРШАНБА № 297 (2.703). Баҳоси 3 тийин.

МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИГА—КЕНГ ЙЎЛ

МЕҲНАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

И. Г. АНИСИМКИН,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1983 йил Давлат плани ҳамда Давлат бюджетини тасдиқлаган КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси партиямизнинг омма билан бузилмас алоқасини, унинг стратегик маҳоратини, унинг коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларини ижодий ҳал қилишдаги билимдонлигини, бу вазифага сиёсий-ташкилотчилик ва идеологик фаолиятни борлиғича бўйсиндира олишини, ленинча иш усулини янада сабот билан қўллашини яққол намойиш қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида: «Партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб борши лозим. Бунда бизни партия ва касаба союз ташкилотлари тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларига, барча совет кишилари қўллаб-қувватлашларига аминман», деб уқтириб ўтди.

Партия, совет, касаба союз, комсомол органлари ва хўжалик раҳбарлари меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, иш вақтининг йўқотилишини бартараф этишга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтиришга қаратилган ташкилий, сиёсий тарбиявий, ҳуқуқий ишларни янада яхшилашдан иборат муҳим, масъулиятли вазифа олдида турибдилар. Бу партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш учун зарур шартдир.

Республика партия ташкилоти партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон меҳнаткашларини хўжаликни самарали юритиш, барча иш сифатини ошириш, халқ фаровонлигини ошириш учун курашга сафарбар этмоқда ва ташкил қилмоқда.

Бу соҳада социалистик меҳнат интизомини тарбиялаш, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу туфайли прогуллар ва ускуналарнинг пландан ташқари бекор туриб қолиши, иш вақти йўқотилишини анча қисқартириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга, кўпгина меҳнат коллективларининг барқарор, аҳиллик билан ишлашини таъминлашга эришилди.

Шу асосда ўн биринчи беш йилликнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича вазифалари муваффақиятли ҳал этилмоқда. Республика саноати бешинчи йиллик иккинчи йили маҳсулот реализация қилиш планини барвақт бажаришдан ташқари 350 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Биноқорлар бир қатор янги ишлаб чиқариш объектларини ишга туширдилар. Минглаб квартираларни фойдаланишга топширдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, транспорт ва алоқа ходимлари янги, жиддий муваффаққиятларни қўлга киритдилар.

Меҳнат коллективларида интизомни бузаётганлар, прогулчилар, брак маҳсулот чиқараётганлар, ишёқмаслар, ва масъулиятсиз ходимлар йўқ дейиш нотўғри бўлган бўлур эди. Демак, онгли социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ғоявий-сиёсий ва ташкилий ишларни қисқа муддатли кампанияга айлантириш мумкин эмас. Шундай интизомни тарбиялаш ва мустаҳкамлаш жараёни узлуксиз жараёндир. Негаки, меҳнат коллективларининг мунтазам равишда янгиланиб ва тўлиб бориши ҳар бир ходимда юксак аҳлоқий хусусиятларни шакллантиришни талаб қилади.

Ўтказилган чуқур таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ишларнинг асосий йўналишини белгилай оладиган жамоат ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ва барча ишчиларнинг куч-ғайратини шунга йўналтира оладиган коллективларгина муваффақият қозона оладилар. Кўпгина коллективларда шундай йўналишларнинг учраси аниқ белгиланган.

Биринчидан, мазкур коллективларда ишчиларнинг юксак унум билан меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, меҳнатни ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш савияси ва маданиятини ошириш, ишчилар ва хизматчилар малакаси ва касб маҳоратини ўстириш, аниқ иш маромини таъминлаш ҳақида доимий ғамхўрлик қилинади.

Иккинчидан, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларда меҳнатга нисбатан коммунистик муносабатларни шакллантириш кучайтирилмоқда. Бунда сиёсий ва иқтисодий ўқувни яхши йўлга қўйишга, эркин ва онгли социалистик интизомнинг моҳиятини чуқур тушунтириб беришга, беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришу учун социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантиришга катта аҳамият берилиши лозим.

Учинчидан, мазкур коллективларда ишчилар маиший шароитини яхшилаш, уларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш, кишиларнинг нормал ҳаёт кечиришлари, ижодий меҳнат қилишлари, ўқишлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун кенг имкониятларни таъминловчи шароитларни вужудга келтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилинади.

Мазкур йўналишлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Наманган шоҳи газламалар комбинатида, Хўжайли гўшт комбинатида, Тошкент кўприксимон темирбетон конструкциялари заводида ва кўпгина корхоналарда яхши йўлга қўйилган.

Уларнинг партия комитетлари ва бюролари ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириб, барча меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни ташкил қилишни мунтазам суръатда такомиллаштириб боришга, корхонани фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари негизида қайта қуроллантиришга, огир қўл меҳнатини механизациялашган ва автоматлаштирилган меҳнат билан алмаштиришга сафарбар қила олдилар. Ушбу масалалар партия ва ишчи йиғилишларда муҳокама қилинади, уларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши мунтазам суръатда назорат этилади, коллективларни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг перспектив планларида кўрсатилган янги, илғор ғояларни жорий қилиш ҳамиша диққат-марказда бўлади.

(Давоми иккинчи бетда).

Сифатли шудгор мўл ҳосилга пойдевордир. Буни яхши ҳис этган Пахтачи районидаги Киров номли совхоз механизаторлари ҳар бир қулай фурсатдан оқилона фойдаланиб, шудгорлашни тез ва соз ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Азамат механизаторлар экин майдонларининг асосий қисмини шудгорлаб бўлдилар. Ишни мусобақа асосида ташкил этган дала гвардиячилари кунлик нормани 1,5—2 ҳисса ошириб адо этмоқдалар.

СУРАТДА: участка аграномн Нормамат Низомов (ўртада) тракторчилар Холиқул Идрисов ва Нормамат Тўхтаевлар билан шудгорлаш сифатини янада яхшилаш хусусида суҳбатлашмоқда.

И. Ҳасанов фотоси.

МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Бугунги кунда партиямиз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланган меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумидаги нутқида «Партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб борши позим», деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Партия кўрсатмаларига биринчи бўлиб «Лаббай» деб жавоб берган Москва шаҳри илғор саноат корхоналарининг коллективлари умумхалқ социалистик мусобақасининг барча қатнашчиларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни меҳнат интизомини янада оширишга, прогулчиларга, ичкиликбозларга, маҳсулот сифатининг бузилишига йўл қўювчиларга қарши изчиллик билан кураш олиб боришга чақирдилар. Ана шу даъватни барча совет кишилари қатори кўчма колоннамиз бунёдкорлари ҳам яқдиллик билан кутиб олиб, ўз фаолиятларига дастуруламал қилмоқдалар. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси москвликларнинг ана шу муҳим ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўз иш жойида интизомни янада мустаҳкамлаган ҳолда юксак унумдорликка эришиш учун курашмоқда.

Москвликларнинг ташаббуси ниҳоятда қимматлидир. Меҳнат интизоми — муваффақият гарови, эканлигига биз ўз фаолиятимизда ишонч ҳосил қилиб келмоқдамиз. Коллективимиз СССРнинг 60 йиллик шарафига ўтказилган социалистик мусобақада актив қатнашиб, қувончли ютуқларга эришди. Йиллик план муддатидан қарийб бир ой илгари ошириб бажарилди. Ҳозиргача планга қўшимча равишда 130 минг сўмликдан ортиқ иш бажардик.

Меҳнат интизоми ниҳоятда яхши йўлга қўйилган Музеир Аббосов бошчилигидаги бригада, айниқса, диққатга сазовор натижаларга эришмоқда. Бу коллектив бир беш йиллиқда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббусига қўшилган. Бригаданинг ҳар бир аъзоси икки-учтадан турдош касбларни пухта ўзлаштириб олган. Шунинг учун ҳам бригада ишларни комплекс равишда бажаришга қодир. Коллективнинг ҳар бир аъзоси ҳамкасбининг ишларини кўздан кечириб боради, агар интизом бузилгудек бўлса, огоҳлантиради. Бирон бир қурувчи томонидан меҳнат интизоми сурункали равишда бузилса, у бригада Советида барча қурувчиларнинг иштирокида муҳокама этилиб, изза қилинади, коллектив шаънига доғ туширмасликка ундалади. Коллектив таъсири ҳамиша яхши самара беради.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш жараёнларини механизациялаш, қурувчилар ўртасида ўзаро мусобақани яхши йўлга қўйиш унумдорликни оширишда, объектларни тез ва сифатли фойдаланишга топширишда муҳим роль ўйнамоқда. Юбилей йилида кўчма колоннамиз бўйича меҳнат унумдорлиги қарийб 18 процент кўтарилганлиги бундан далолат беради. Кўчма колоннанинг ана шу ютуғига меҳнат интизомини ошириш учун курашаётган Мурвет Бекиров, Умар Жовлиев, Лендрош Акопян ўртоқлар бошчилигидаги бригадаларнинг қурувчилари катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи, «Олтин бошоқ» совхози ва бошқа хўжаликларда маданий-маиший объектларни, турар-жой биноларини жадаллик билан қурмоқдалар. Ана шу хўжаликларнинг поселкаларида юбилей йилининг ўзида қарийб 12 минг квадрат метр саҳнли турар-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширдик. Бу — пландагидан 2 минг квадрат метр ортиқ демакдир.

Коллективимиз москвликларнинг меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ҳақидаги ташаббусига қўшилиб, ҳар бир участка ва бригадада иш унумдорлигини оширишга кўмаклашадиган, прогулчиларга, интизомни бузувчиларга қарши курашадиган комиссиялар тузилди. Уларнинг составига тажрибали биноқорлар, ишлаб чиқариш новаторлари киритилган. Бу тадбирнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишда муҳим роль ўйнашига шак-шубҳа йўқ.

З. АБЛЯМЕТОВ,
Қашқадарё «Облколхозстрой» трестига қарашли 128-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи.

ТРАКТОРСОЗЛАР ЛАББАЙ ДЕБ ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР

Илғор ишчилар коллективи, Ўзбекистон машинасозлигининг байроқдори —ҳатто «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси ҳам ҳали ҳамма жойда, ҳамиша ва ҳар бир киши меҳнат интизомига риоя этмоғи учун ҳамма ишни қилди деб бўлмайди. Тракторсозларнинг ўзлари бу ҳақда ўз-ўзини танқид руҳида ва аниқ қилиб айтдилар. 27 декабрь куни бўлиб ўтган коллектив вакилларининг йиғилишида шундай мисол келтирилди. Фақат бир цех —еттинчи механика йиғув цехигина бутун йил мобайнида узлуксиз, графикка тўла амал қилган ҳолда бир маромда ишлаб, ҳар ўн кунликда планни 33,3 процентдан бажараверди. Қолган цехларчи? Бу маррани эгаллашлари учун улар ҳали анча меҳнат қилишлари керак.

Йиғилиш москвликларнинг ташаббусини муҳокама қилди, бу ташаббус тўғрисидаги ҳабар бутун мамлакатга ёйилди. Маълумки, Москва халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор коллективлари хўжасизликка қарши, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузишларга қарши курашни кучайтиришга, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратилган мажбуриятларни кабул қилдилар. Улар «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» шиори остида ишлашга карор бердилар. Москвликларнинг ташаббуси ўзаро талабчанликни оширишга, ишлаб чиқаришда намунали тартибга эришишга, шу асосда барча кўрсаткичларнинг юксалишини таъминлашга қаратилган бўлиб, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига меҳнаткашларнинг жавоби сифатида юзага келди.

Тошкент тракторсозларнинг фахрланса арзийдиган, шонли сана —СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрами кунларида Ватанга маълум қилса арзийдиган ютуқлари бор. Бирлашма бош директори И. Х. Мусин ўз докладида шуни эслатиб ўтдики ,ҳозир тракторсозлар барча кўрсаткичлар бўйича пландан ўзиб кетдилар, улар планга қўшимча равишда салкам 300 та машина етказиб бердилар, юз мингдаб сўм қўшимча фойда олдилар, талайгина металл ва энергияни тежаб қолдилар, маҳсулот сифатини кескин яхшиладилар. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан юзага келгани йўқ, булар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, одамларни тарбиялаш борасидаги муваффақиятли иш самарасидир. Меҳнат унумдорлиги 5,6 процент ўсганлиги ортида, жумладан шундай рақамларни ҳам кўриш мумкин: прогуллар сабабли вақтнинг зое кетиши қарийб учдан бир ҳисса, кадрлар қўнимсизлиги ҳам учдан бир ҳисса камайди, айрим участкаларда механизациялаш даражаси 90 процентдан ошиб кетди.

Шундай бўлсада эришилган натижалардан хотиржам бўлиб қолишга ҳали вақт эрта. Докладчи шундай рақамларни келтирдики, улар бирлашманинг бош заводида, бошқа корхоналарида прогуллар ва бекор туриб қолишлар сабабли ҳали кўпгина вақт зое кетаётганлигидан бир қанча участкаларда кадрлар ҳамон қўнимсиз эканлигидан далолат беради. Докладчи браклар ва шикоятлар тўғрисида ҳам эслатиб ўтди. Бу камчиликларнинг фақат бир қисмигина соф техникавий характердаги нуқсонлар билан изоҳлаш мумкин. Станоклар ва машиналар олдида турган, ишлаб чиқариш жараёнини бошқараётган кишиларгина муваффақият учун ҳам жавобгардирлар. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида: «Партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб бориш лозим», —деб айтган гапи шу қадар актуал бўлиб янгради, халқ уни кенг қўламда маъқуллаб кутиб олди.

Йиғилишда сўзга чиққан кишилар айни мана шундай қатъийлик ва изчиллик муваффақият келтиражагини айтдилар. Маневр тепловози машинисти, жамоат кадрлар бўлимининг раҳбари Собир Воисов шунга эътиборни жалб қилдики, енгил турмушни ва мўмай пулни излаб, бир заводдан иккинчи заводга кўчиб юрувчи қўнимсиз кишилар маҳсулот сифатини оширишга, технологияга риоя этилишига халақит бермоқдалар, бинобарин эса Озиқ-овқат программасини бажариш учун мамлакатга ғалат зарур бўлган машиналар ишлаб чиқарилишига тўсқинлик қилмоқдалар. Жамоат кадрлар бўлими составига кирган кишилар буни яхши тушунадилар ва биладилар: ҳатто ана шундай қўнимсиз кишида ҳам виждон ва ишчилик шарафини уйғотиш, уни ақл-ҳушини йиғиб олишга мажбур қилиш мумкин. Ишдан бўшаш тўғрисида ариза берган кишиларнинг 60 процентга яқини жамоат кадрлар бўлимида ўтказилган суҳбатлардан кейин ўз қарорини ўзгартириб шу ерда қолаётганликлари тасодифий эмас. «Аммо барча цехларда ҳам аҳвол шундай эмас», —деб таъкидлайди нотиқ. Масалан, пресслаш-пармалаш цехида, асбобсозлик, автотранспорт цехларида составнинг барқарорлиги тўғрисида кўп жон куйдирилмаяпти, одамлар ўртасида тарбиявий иш суст олиб борилмоқда.

Бироқ, ўз камчиликларига барҳам беришга, ҳалол, виждонли меҳнаткаш бўлишга ҳали қодир кишилар билан суҳбатлар ўтказиб, уларни ишонтириш мумкин. Аммо бошқача кишилар ҳам бор. Уларга, ишлаб чиқаришни издан чиқарувчи, халқ бойлигини талон-торож қилувчи, ароқхўрларга нисбатан ҳеч қандай кўнгилчанлик қилиш керак эмас. Бирлашмада ҳуқуқ бузишларга ва ичкиликбозликка қарши кураш олиб бориш учун тузилган комиссия завод жамоатчилигининг актив мададида айни шундай иш тутмоқда.

Шу комиссиянинг раиси В. Туранова яхши натижа бераётган самарали иш методлари дарҳол топилмаганлигини таъкидлади. Аммо интизомни ва жамоат тартибини муттасил бузаётган ҳар бир кимса ўртоқлари олдида жавоб бера бошлагач, тегишли цехлар ва хизматларнинг раҳбарларидан ҳам ўз қўл остидаги кишиларнинг ҳаракатлари учун қатъийроқ талаб қилина бошланганидан кейин самаралар ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу йил ТТЗда ичкиликбозлик ва бошқа ашаддий номақбул ҳодисалар сони 33 процент камайди.

Завод комсомол комитетининг секретари В. Скрыльников комсомол оператив отрядининг иши тўғрисида сўзлаб берди. Бу отряд меҳнат тартиби ва интизомини муттасил бузиб келаётган кишиларга нисбатан чинакам жанг эълон қилди. Мазкур отряднинг рейдлари «ташмачилар»ни қўлга тушириб жазолаш, минглаб сўмлик буюмлар ўғирланишининг олдини олиш имконини берди.

Интизомни ошириш учун, ишга онгли ва актив мусобатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун коммунистлар, ишлаб чиқариш командирлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Пресслаш-пайвандлаш иш цехи партия ташкилотининг секретари слесарь А. Андрюшин, 26-механика йиғув цехининг бошлиғи Р. Магер ўз нутқларини партия аъзосининг авангардлик ролига, инженер ва раҳбарнинг вазифаларига бағишладилар. Ишлаб чиқариш топшириқларини сўзсиз бажариш, турдош корхона олдидаги мажбуриятларга аниқ риоя этиш, меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисда тинимсиз ғамхўрлик қилиш — булар ҳар бир коллектив учун қонун, умумзавод ва цех бўлинмалари раҳбарларининг юмуши бўлиб қолиши керак. Москвликларнинг ташаббуси қўшимча маблағларсиз, капитал харажатларсиз меҳнат унумдорлигини оширишга, кўп иш вақти ва моддий ресурсларни тежаб қолишга чорламоқда.

7-механика йиғув цехи касаба союз комитетининг раиси Умринисо Эрматова бундай дейди:

— Сўзда эмас, балки амалда иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун курашаётган, ўзи намуна бўлаётган ва бошқаларнинг интизомни бузишларига йўл қўймаётган кишиларгина пешқадам, мусобақа ғолиби деб ҳисобланиши керак. Мана шу цех коллективи бир маромда ишламоқда, заводнинг кўчма Қизил байроғи доимо сақлаш учун шу цехда қолдирилган. Бу ердагилар москвликларнинг «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» деган шиорини кундалик ҳаёт қонунига айлантиришга интилмоқдалар. Нотиқ коммунист В. Долженков бригадаси каби коллективлар ҳақида эслатиб ўтади. Бу бригадада интизомни бузиш, ишда бракка йўл қўйиш нима эканлигини билмайдилар. Бу ерда иш вақтида бир минут ҳам бекор туриш йўқ, шиори қонда бўлиб қолган. Худди мана шундай меҳнаткашлар биринчи навбатда ҳурмат-эҳтиромга ҳам, моддий неъматларга ҳам сазовор бўлишлари керак, дейди сўзининг охирида У. Эрматова. 2-механика цехи комплекс бригадасининг бошлиғи Александр Белкин унга батамом қўшилади. А. Белкин ишлаб чиқариш резервларини сафарбар этиш тажрибасини баҳам кўрди. Унинг фикрича, умумий иш учун ишчиларни масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш ана шу резервларнинг энг асосийсидир. Бунда бригада кенгаши муҳим роль ўйнайди.

Завод клубига йиғилган тракторсозлар якдиллик билан қабул қилган социалистик мажбуриятда бирлашма коллективи москвликларнинг ватанпарварлик ташаббусини астойдил қўллаб-қувватлаб маъқуллайди, ТТЗ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар дейилган. Интизомни мустаҳкамлаш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, хўжасизликка қарши кураш кучайтириш йўли билан кўпгина ресурсларни тежаб колиш ҳамда Ватанга хизмат қилдириш мумкин ва албатта шундай қилинади ҳам. Беш йиллик учинчи йили планидан ташқари юзта трактор ва кўпгина бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, янги — МТЗ-80Х маркали машиналарнинг тажриба намуналарини тайёрлашга, илмий асосланган нормалар салмоғини анча ошириш ва меҳнатни ташкил этишнинг бригада методида қатнашаётган ишчилар сонини кўпайтиришга қарор қилинди. Камида минг тонна прокат тежаб қолинади, қўшимча юк ортиш учун 80 та вагон бўшатилади, браклан кўриладиган нобудгарчилик 10,7 процент камайтирилади — буларнинг ҳаммаси мажбуриятда белгиланган марраларидир.

Йиғилиш қатнашчилари республика машинасозлиги байроқдори мамлакат олдидаги ўз бурчини шараф билан бажаради, КПСС XXVI съезди қарорларини адо этиш учун социалистик мусобақада ўрнак кўрсатади, деб ваъда бердилар.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Қашқадарё областининг чорвадорлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, шонли юбилей— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун интилиб, маҳсулот етиштириш ва тайёрлаш планларини барча кўрсаткичлар юзасидан барвақт адо этдилар. Давлатга 32,3 минг тонна гўшт, 68,4 минг тонна сут, 72,3 миллион дона тухум, 496 мингта қоракўл тери, 4630 тонна жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар сотилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт ва сут етиштириш 10 процент, тухум етиштириш 20 процент ошди, чорва ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 110 килограмм ошди, қора молларнинг гўштга топшириладиган ўртача вазни 420 килограммга етказилди, ҳар 100 бош совлиқ ва эчкидан 147 тадан қўзи ва улоқ олинди.

Белгиланган тадбирларни бажаришга областнинг барча районлари, колхоз ва совхозлари муносиб ҳисса қўшдилар, Қарши, Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Усмон Юсупов районлари ва бошқа районларнинг хўжаликлари чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда етиштириш планларини анча ошириб адо этдилар. Ўнлаб хўжаликлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Чорвачиликни интенсивлаш, уни саноат негизига ўтказиш, матлубот кооперацияси ва давлат савдоси системасида чорвачилик фермалари, саноат ва қурилиш ташкилотларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш борасидаги тадбирлар амалга оширилмоқда.

Агросаноат комплексининг бошқа барча тармоқлари муваффақиятли ривожланмоқда, барча кўрсаткичлар юзасидан беш йиллик икки йили ва шу йилги планлар муддатидан илгари бажарилди.

Область меҳнаткашлари кузги-қишки тадбирларни тезроқ ниҳоясига етказиш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, қабул қилинган барча социалистик мажбуриятларни бажариб, мамлакат Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш учун социалистик мусобақани яна ҳам кенг авж олдирмоқдалар.

МЕҲНАТ ВА ИШЛАБЧИҚАРИШ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Партия ташкилотлари бригада бошлиғидан тортиб мастергача бўлган ҳамма раҳбарлар, барча коммунистлар топширилган ишга ижодий ёндашиш, ишни аниқлик билан уюшқоқлик тарзида, ҳаракатчанлик билан бажаришда ибрат намунасини кўрсатишларига эришмоқдалар. Коллективларда қарор топган аҳил, аниқ иш мароми муҳити меҳнат интизомини бузувчиларга ҳам таъсир ўтказмоқда. Прогуллар, сменалар орасидаги бекор туриб қолишлар туфайли йўқотилаётган иш вақти камайти, кадрлар қўнимсизлиги коэффициенти қисқаряпти.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам иш шундай эмас. Республика халқ хўжалиги прогуллар, ишга кечикиб келишлар, маъмуриятнинг рухсати билан ишга келмаслик, ускуналарнинг ишдан ташқари бекор туриб қолиши, аварияларнинг ҳамон катта зарар кўраяпти. Фақат шу йилнинг ўзида саноатнинг барча тармоқларидаги ўн мингдаб ишчилар прогул қилганликларига тоқат қилиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Биокордлик материаллари саноати, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, Иттифоқ трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Кимё саноати министрликларининг бир қатор корхоналарида иш вақти кўпдаб йўқотиляпти. Юқоридаги сабабларга кўра, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона областлари корхоналарида турли хил кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаяпти.

Навоий цемент комбинатида ҳар бир ишчи ҳисобига уч кундан кўпроқ иш вақти йўқотилган. Албатта, бундай аҳволда бир маромда ишлаш, планларни бажариш, курувчилар, мелиораторларни ўз вақтида цемент билан таъминлаш мумкин эмас. Жиззахдаги устки трикотаж фабрикасида барча йўқотишларнинг 90 процентини прогуллар ташкил этади. Бирик «Союзмашлошковод т в о», «Узбекхлопкомаш» ва «Узбектекстильмаш» машинасозлик бирлашмаларида иш вақтининг йўқотилиши оқибатида икки миллион сўмликдан энёдрок маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилди.

Бошқача хилдаги йўқотишлар ҳам бор. Айрим ходимлар маъмуриятнинг рухсати билан ишга чиқмайдилар. Умуман республика бўйича иш вақти йўқотилишининг 41,3 процентини шундай шахслар ташкил этади. Мева-сабзавот хўжалиги министрлигида йўқотилган иш вақтининг 72, Пахта тозалаш саноати министрлигида 60, Енгил саноат министрлигида 40, Алимкент пахта тозалаш заводида эса 95 процентга маъмурият рухсати туфайли рўй берди.

КПСС Марказий Комитети партия, совет, хўжалик органлари диққат эътиборини барча халқ хўжалиги комплексини ёқилғи, электр энергияси, металл билан ишончли тарзда таъминлашга ҳамиша қаратиб келди. Бунда энергия ва ёқилғи ҳом ашё ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги вақтларда республика халқ хўжалигини газ ва электр энергияси билан таъминлашда жиддий вазият пайдо бўлди. Энергетика ва электрлаштириш, газ саноати министрликлари системасида аварияслар, ускуналарнинг ишдан ташқари тўхтаб қолиши ва ишламай қолиши миқдори кўпайганлиги ҳам аҳволни оғирлаштириб юборди. Чунончи, бу йил Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги системасида аварияслар ва ускуналарнинг ишламай қолиши миқдори 20 процент ошди. «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасида ўттизтадан кўпроқ авариянга йўл қўйилди. Авария ҳолатлари кўпинча ускуналарнинг сифатсиз ва ўз вақтида ремонт қилинмаслиги, электр билан таъминлаш схемасининг ишончсизлиги, ишлатувчи ходимлар малакасининг пастлиги туфайли рўй беряпти.

Темир йўл транспорти ҳам яхши ишламаяпти. Бунга темир йўл транспортининг моддий-техникавий таъминотидаги қолоқликнинг эмас, балки поездларни тузиш ҳамда юк ортиш-тушириш ишларининг аниқ ташкил этилмаслиги, ремонт ишлари сифатининг пастлиги ва тепловоз паркидан оқилона фойдаланмаслик ҳам сабабдир. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, барча йўқотишларни бартараф этишга, ишчи кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга қаратилган фаол, ҳар томонлама ўйлаб тузилган тадбирларни сабот билан тадбиқ этишни талаб қилади.

Меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини кенг жорий қилишга алоҳида ғамхўрлик қилмоқ лозим. Бу усул ўн биринчи беш йилликда кенг қўлланилиши керак. Тажриба бригада усулини тўғри жорий этганда иш вақти йўқотилиши анча камайишини, ёшлар меҳнат қўнимсизлигини тезроқ эгаллашларини, кадрлар қўнимсизлиги паст бўлиб, меҳнат интизомини бузиш деярли йўқдир.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив шаклини тадбиқ этиш самарали эканлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида бригада пудратини жорий қилиш билан боғлиқ тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, комплекс ва оралиқ бригадаларни тузиш даркор. Бундай коллективларга ишни яхшилашда, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, моддий-техника таъминоти масалаларини аниқ ҳал қилишда, ҳар бир меҳнатчининг қўлга киритилган умумий кўрсаткичларга қўшган конкрет ҳиссасини ҳисобга олиб, коллектив учун берилган иш ҳақининг тақсимланишнинг асосланган нормаси билан таъминланда мунтазам ёрдам бериш керак. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, шуниндек, ишчиларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш масалаларини кўришда бригада кенгашлари ҳамда бригада бошлиқлари кенгашлари ролини ошириш катта аҳамиятга эгадир.

Москвадаги илғор корхоналар ташаббуси билан республикамизнинг бир қатор меҳнат коллективлари меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш учун ҳаракатни қизитиб юбордилар. Улар меҳнатни ташкил қилишни кескин яхшилашга, хўжасизликка, ишлаб чиқариш ва давлат тартибларини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтиришга қаратилган мажбуриятлар олмоқдалар. Корхоналар ва ташкилотларда коллективларнинг йиғилишлари, «Давра стол»и суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларнинг қатнашчилари енгил ҳаёт ва кўп пул топиш мақсадида у заводдан бу заводга кўчиб юрувчи «учар»ларга, ишлаб чиқариш қоидасини бузувчиларга, халқ мулкини талон-тарож қилувчиларга, ичкиликбозлар ва ишёқмасларга қарши кескин кураш олиб боришга чақирмоқдалар. Улар коллектив шон-шуҳратини қадрламайдиган барча кишиларга нисбатан қатъий қурашишни таклиф қиляптилар.

Барқарор коллективларни вужудга келтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ишида Ўзбекистон ССР меҳнат Давлат комитети катта роль ўйнашга даъват этилган. У республика корхоналари ва ташкилотларида, министрликларда, давлат комитетлари ва идораларида ишчи кучларидан фойдаланишни давлат йўли билан назорат қилишни амалга ошириши керак. Меҳнат Давлат комитети министрликлар ва идоралар билан ҳамкорликда янгидан ишга тушириладиган муҳим объектлар рўйхатини белгилаши, уларнинг ишчи кучларига эҳтиёжини аниқлаб, шулар учун ишчи кадрлар тайёрлаш ва бутлашни давлат назорати остига олиши зарур.

Афсуски, комитет ва унинг жойлардаги органлари иши КПСС XXVI съездининг меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг иш билан оқилона таъминланишини йўлга қўйиш, республика министрликлари ва идораларининг меҳнатни ташкил қилиш ва нормалаштириш соҳасидаги фаолиятларини уйғунлаштириш юзасидан талабларига мос бўлиб тушмаяпти. Меҳнат Давлат комитети кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш ва уларнинг муқим ишлаб қолишларига қаратилган иқтисодий ва ташкилий тадбирларни аниқ амалга ошириши, халқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самаралм фойдаланишни муттасил назорат қилиш, корхоналар ва ташкилотларни ишчи кучлари билан таъминлаш, бўш қолган ишчиларни ишга жойлаштириш юзасидан жиддий иш олиб бориши лозим.

Меҳнат интизоми унинг унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, интизомий ишлаб чиқариш самарадорлиги, унинг интенсив ривожланиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир. Меҳнат унумдорлиги ҳозирги босқичда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиб қоляпти. В. И. Ленин меҳнат интизомини иқтисодий қўтарилишнинг энг зарур шарти ҳисоблаб, уни ишлаш интенсив меҳнат қилиш, ишнинг кўзини билиш маҳорати билан ёнма-ён қўйган эди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласи бугун шунинг учун ҳам ўткир масала сифатида қўйилмоқдаки, замонавий техника ва илғор технология, тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги борган сари ўсиб бораётганлиги, халқ хўжалигимиз тараққиётининг даражаси мунтазам ўсаётганлиги олдинга қўяётган янги талабларни эндликда ҳисобга олмаслик, асло мумкин эмас.

Ҳозирги замон шароитларида ишчочилик интизоми — партия ва ҳукумат директиваларини, белгиланган планларни, бошқаришнинг турли даражаларда қабул қилинган оператив қарорларини сўзсиз бажариш интизоми алоҳида аҳамият касб этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Хўжалик механизмини янада такомиллаштиришда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштириш яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилашга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Давлат стол»и суҳбатлари ўтказилмоқда. Уларнинг қатнашчилари енгил ҳаёт ва кўп пул топиш мақсадида у заводдан бу заводга кўчиб юрувчи «учар»ларга, ишлаб чиқаришда бошқаришнинг ҳамда планлаштиришнинг барча системаларида такомиллаштиришнинг чуқур ўйланган программаси баён қилинган.

Ушбу ҳужжатлар социалистик ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишнинг, халқ хўжалигида пировард натижада юқори кўрсаткичларга эришишнинг, совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни, уларнинг моддий ва маданий турмуш даражаларини оширишни кўзда тутади.

Республикамизнинг қўпчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналари давлат бажармоқдалар, меҳнат ва технология интизомига қатъий риоя қилмоқдалар. Афсуски, маҳсулотни реализация қилиш ва ишлаб чиқариш, буюмларни номенклатура бўйича тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулотларни кооперация усулида етказиб бериш юзасидан план-топшириқларини ўз вақтида бажармаётган корхоналар ҳам мавжуд. Республика бўйича ҳар ойда корхоналарнинг қариб 10 проценти меҳнат унумдорлиги планини бажармаяпти. 15 проценти эса эришилган даражага нисбатан меҳнат унумдорлигини пасайтириб юборяпти.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва экскаватор заводи қуйилма етказиб беришни тез-тез бузмоқда. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса маҳсулотларни номенклатура бўйича тайёрлаш планини адо этмаяпти. Бундай корхоналар саноатни енгил ва бошқа тармоқларида ҳам бор. Айниқса, республикараро буюмлар етказиб беришдаги узилишларга тоқат қилиб бўлмайди. Бир корхона томонидан ҳом ашё тайёрлама, узел деталлари, ярим фабрикантларни ўз вақтида жўнатмаслик қўплаб машиналар, механизмлар, газламалар, кийим-кечаклар, пойабзалларни бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш планини бажармасликка олиб келади. Шулар оқибатида давлатимиз қўплаб миқдорда керакли маҳсулотларни ололмаяпти.

Албатта, бу соҳада қийинчиликлар ҳам бор. Аммо энг асосий сабаб шундаки, министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, цехларнинг раҳбарлари бутун диққат-эътиборни энг яхши пировард натижаларни қўлга киритишга йўналтира олмаяптилар. Шартномадаги мажбуриятларни сўзсиз бажариш халқ хўжалиги барча бўғинлари учун қонун тусига кирган эмас.

Давлат манфаатларига риоя қилиш, ишга маҳкамачилик, маҳаллийчилик билан муносабатда бўлишга йўл қўймаслик, ташаббускорлик, новаторликка кенг йўл очиш, давлат планларини изчиллик билан бажариши таъминлаш агар таъбир жоиз бўлса, ҳар бир раҳбарнинг фазилатига, бурчига айланиши лозим.

Кадрлар сиёсати партия ишининг ҳамиша ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Партия кудратли воситасига бўлган кадрлар сиёсати орқали жамият тараққиётига таъсир ўтказади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов 1982 йил ноябрь Пленумидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, «ҳал қилувчи соҳаларда сиёсий етук, билимдон, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлган, янгиликни ҳис эта биладиган кишилар туриши учун кадрларни жой-жойига тўғри қўйиш керак. Бизнинг давримизда янгиликни ҳис этмай туриб, замонавий ишлаб чиқаришга муваффақиятли раҳбарлик қилиш мумкин эмас». Бу кўрсатма партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг диққат-марказида турмоғи керак.

Республика халқ хўжалигида миллион нафардан энёд мутахассис ишламоқда. Бу битмас-туганмас манба бўлиб, биз ундан раҳбар кадрлар сафини тўлдириш учун фойдаланишимиз лозим. Кишиларни амалиётда ўрганиш, энг муносиб, ташаббускор ўртоқларни юқори лавозимларга кўтариш, уларни юксак талабчанлик ва масъулиятни ҳис қилиш руҳида тарбиялаш даркор.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 11 Пленумида уқтирганидек: «биз катта ишда қийинчиликлар бўлишини, хато ва камчиликлар юз бериши мумкинлигини яхши тушунамиз, албатта. Шундай ҳоллларда қолоқлик сабабларини аниқ ва конкрет таҳлил қилиш, аҳволни тузатиш учун оқилона ва комплекс тадбирлар кўришимиз, белгиланган тадбирларни таъсирчан воситалар ёрдамида тез ва аниқ амалга ошириш юзасидан кенг тадбирлар белгилаш зарур. Лекин корхона мунтазам равишда орқада қоласверса, раҳбарларнинг ишонтириб айтганлари шунчаки ваъда бўлиб қоласверса, партия комитетлари бутун принципиаллик билан давлат топшириқларини бузганлиги учун масъулиятли бўлган кишиларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатлари ҳақидаги масалани ҳал қилишлари керак.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш халқ хўжалигининг барча участкаларига раҳбарлик қилиш даражасини анча ошириш ўн биринчи беш йилликнинг иқтисодий ва социал вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашда тарбиявий ишлар ҳам катта аҳамиятга молик. Меҳнат коллективлари аъзоларини ўз касби, ўз корхонаси билан ғурурланиш руҳида, уюшқоқсизлик ва интизомсизликнинг ҳар қандай кўринишига муросасизлик руҳида системали суратда тарбиялаш зарур. Интизомни бузувчига нисбатан муросасозлик, кўнгилчанлик билан муносабатда бўлиш ҳолларига кескин барҳам бериш, бу йўлда меҳнат қонунларида кўзда тутилган таъсир ўтказиш чораларидан фойдаланиш билан бирга коллектив фикрини, оммавий ахборот воситаларидаги ва пропаганда кучидан ҳам фойдаланиш лозим. Матбуот, радио, телевидение меҳнат интизомининг иқтисодий, ахлоқий, ва социал аҳамиятини ёрқин ва ишонарли мисолларда кўрсатишга, юксак онгли меҳнат интизоми йўлига қўйилган коллективлар тажрибасини кенг оммалаштиришга даъват этилгандирлар.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундай кейинги Пленумлари тарихий қарорларини бажариш барча жамият социалистик уюшқоқлигини оширишни ҳам талаб қилади. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, интизом ва интизомнинг ўзини ўрнатиш учун, ҳамма жойда ва ҳамма ерда уюшқоқлик, тартиб ва ишчанликни мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай ишлаш керак. Партия белгилаган планларни муваффақиятли бажаришнинг омили ана шундадир.

ТАЪМИНОТНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Озиқ-овқат программасининг амалга оширишда муҳим бўғинлардан бири ёрдамчи хўжаликдир. Бу борада Қашқадарё область матлубот жамиятига қарашли Китоб шаҳар умумий овқатланиш корхонаси ходимлари амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир.

Корхона қошида ёрдамчи хўжаликни ташкил этилганига унча кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Коллектив ишни қурилишдан бошлади. Умумий ер майдони 5 гектар бўлган, тўлиқ механизациялаштирилган иккита товуқхона қурилиб ишга туширилди.

Жўжалар, товуқлар, гўшт учун боқилаётган наррандалар учун махсус ҳоналар ташкил этилди. Олинадиган фойда ҳисобига сарфланган ҳаракат узоғи билан уч йил ичида копланиши мўлжалланди. Фермаларнинг ёнидан ишчи-хизматчилар учун замонавий уйлар қуриб берилди.

Дастлаб фермага 1500 та товуқ олинди. Натижа ёмон бўлмади. Хўжалик аста-секин кенгайтирила бошланди. Умумий овқатланиш корхонасига қарашли битта ресторан, 28 та ошхона, иккита кафе, кулинария магазини, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган иккита цехнинг таъминоти яхшиланди. Улар қўшимча резервлар ҳисобига кенгайтирилиб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Аҳолига ўтган 1981 йилда 10 минг тонна парҳез гўшт сотилди. Гўшт таннархи 1 сўму 20 тийинга туширилди. Гўшт учун қабул қилинган 20—30 кунлик жўжалар 70—80 кунлик бўлгуча боқилади. Тирик вазни 1,5 килограммга етганлари гўшт учун топширилади.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида хўжаликда кўрилган соф фойда 7 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил у 11 минг сўмга етади. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида коллектив 2 миллион 913 минг 400 сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Гўшт, тухум етиштиришга ёрдам берадиган қўйчилик, балиқчилик, ўрдакчиликни ташкил этишга тайёргарлик кўряпмиз. Яқинда курка-ниқ хўжалиги ташкил этдик. Ҳозир 5 минг дан ортиқ курка боқилянти.

Илғор парандабоқарлар Э. Ниёзов, Ф. Насимов, Н. Ниёзова, В. Зокиров ва шофёр С. Бўриевлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. 1980 йилда 1500 та тоғ ўрдаки боқишдан бошлаган хўжалик икки йилдан сўнг парандаларнинг умумий сонини 20 минг 800 тага етказишга муваффақ бўлди. 1985 йилгача куркалар сони 5 мингдан 50 мингтага етказилади. Кондитер цехи ва ошхоналар орқали аҳолига етказиб бериладиган тухумлар 200 мингтага етади.

Олинаётган соф даромадлар ҳисобига теплица хўжалиги қуриб ишга туширилади. Аҳоли дастурхонининг йил бўйи кўк мева, сабзавот ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлар билан тўкин бўлишига эришилади. Шуниндек, 1985 йилгача ҳашар йўли билан 20 минг курка мўлжалланган парандахона биносини қуриб, фойдаланишга топшириш планлаштириб қўйилди.

И. ОЧИЛОВ.

АННА МЕЛЬНИК: БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ

БУХОРО. (ЎзТАГ). Бухоро пиллакашлик фабрикасининг доянгдор меҳнатчиси Анна Мельник СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятни бажарганлиги, ўз зиммасига олган беш йиллик программани адо этганлиги тўғрисида рапорт берди. У икки йилдан ҳам кам вақт ичида беш йиллик топшириқни бажарди ва 5800 килограмм юқори сифатли ипак калава тайёрлади.

Анна Мельник — корхонадаги энг тажрибали пиллакашлардан бири. У меҳнатнинг жадал усулларини мукаммал эгаллаган, фабрикада олдингилардан бири қаторида кенг хизмат кўрсатиш зонасига ўтди — ҳозир у нормада белгиланган уч станок ўрнига олти станокда ишламоқда. Орттирган тажриба ва маҳорат, иш унумини моҳирлик билан ташкил этганлиги, юқори малака унга белгиланган графикдан анча ўзиб ишлаш имконини бермоқда. Бу моҳир ишчи ўнинчи беш йиллик мобайнида ўн йиллик топшириқни бажарди. Бу йил эса, фабрикада «Бир беш йилликда ўн беш йиллик планни бажарамиз!» ҳаракати вужудга келганида Анна Мельник олдингилар қаторида бу ҳаракатга астойдил қўшилди.

—Менинг муобакадош дугоналарим, КПСС XXVI съезди делегати Фотима Ваҳобова билан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Валентина Дурова, —деди Анна, —шахсий беш йиллик планларини бажарганликлари тўғрисида Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги арафасидаёқ рапорт бердилар. Мен улардан сал орқада қолдим. Лекин ҳали вақт бор ва мен келгуси йил бошида уларга етиб олишга ҳаракат қиламан.

Фабрикада Анна Мельник ваъда қилдими, у албатта ўз сўзи устидан чиқади, —дейишади.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири
Бухоро

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ИЛҲОМБАХШ НАМУНА

АДДИС-АБЕБА. Совет Иттифоқи ўзи ташкил топган кундан бери ўтган 60 йил мобайнида эришган улуғвор муваффақиятлар мустакил ривожланиш йўлига ўтиб олган барча мамлакатлар ва халқлар учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилади, деди бу ерда бутун Эфиопия касаба союзининг раиси Тадессе Тамират.

Давлат ва партия қурилиши соҳасида Совет Иттифоқи тўплаган гоят бой тажриба социалистик жамият қуришни ўзининг асосий мақсади деб эълон қилган мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Жаҳонда биринчи социалистик давлат ривожланишининг бутун бошли марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг музаффар принциплари асосидагина чинакам эркинлик, тенглик ва демократияга эришиш мумкинлигини яққол исботлади.

Эфиопия касаба союзларининг раҳбари «ялпи тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ишида СССР принципиал ва изчил сиёсат ўтмазаётганлигига юксак баҳо берди. Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини жиловлаш ва халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган кўпдан — кўп тинчлик ташаббуслари, жумладан СССР Олий Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «жаҳон парламентларга, ҳукуматлари, сиёсий партиялари ва халқларига» йўллаган сўнгги мурожаатномаси, деди у, совет халқи ер юзидаги барча давлатлар билан тинч-тотув яшашга, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка сидқидилдан интилаётганлигидан яққол далолат беради.

ДЕҲЛИ. Маерифнинг ҳар томонлама ривожлантирилганлиги — жаҳонда биринчи социалистик давлат ташкил этилгандан бери ўтган 60 йиллик тарих давомида СССРда амалга оширилган улкан социал-иктисодий ўзгартиш-ларнинг ёрқин намуналаридан биридир, деб ёзади Хиндистонда чиқадиган нуфузли «Нэшнл геральд» газетаси. Совет Иттифоқи бу соҳада қўлга киритган муваффақиятлар кишини ҳайратлантирмай қолмайди. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлабоқ изчил — куч-ғайрат сарфланганлиги натижасида СССР саводсизлик бутунлай тугатилган мамлакат бўлибгина қолмай, шу билан бирга маориф гоят юксак даражада ривожланган давлатлардан бирига айланди. Бу соҳада Совет Ўрта Осиёси республикалари эришган ютуқлар айниқса қойил қолдиради. Мазкур республикаларнинг аҳолиси Улуғ Октябрь революциясига қадар деярли саводсиз эди. Ҳозир Тожикистоннинг ўзидагина 3100 тадан ортиқ мактаб, ўнта олий ўқув юрти ва университет бор. Туркманистонда 2000 дан энёд хотин-қиз илмий ходимларнр.

Газета СССРда беғуш мажбурий ўрта таълим жорий этилганлиги натижасидагина бундай улкан муваффақиятларга эришилганлигини таъкидлайди. Совет Иттифоқи халқлари милли тилларини ривожлантиришга доимий эътибор берилаётганлиги катта аҳамиятга эгадир. СССРда ҳамма билим олиш ҳуқуқига эга, деб таъкидлайди «Нэшнл геральд» газетаси. Натижада Совет республикалари ҳар ўн минг кишига студентлар сони жиҳатидан АҚШ, Канада, Япония, Франция, Буюк Британия ва Италия каби мамлакатлардан илгарилаб кетди.

МАПУТУ. Жаҳон тарихи шунчалик қисқа муддатда Совет Иттифоқи каби улкан муваффақиятларга эришган бошқа бирорта мамлакатни билмайди, деб ёзади «Домингу» газетаси. ўзининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган мақоласида.

Ҳатто Совет Иттифоқининг муҳолифлари ҳам бу муваффақиятларни эътироф этишга мажбурдирлар, деб уқтиради газета. Ҳозирги вақтда СССР жаҳон маҳсулотнинг анча қисмини ишлаб чиқараётганлигини айтиш кифоя. Маркс, Энгельс ва Ленин ишлаб чиққан таълимот асосида Совет Иттифоқида миллий масала ҳал этилганлиги бутун дунё учун намуна бўлиб хизмат қилади. Жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонларнинг кўп миллатли давлати барпо этилиши инсоният тарихида янги саҳифа очди ва планетадаги бошқа халқлар учун илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилди. Улар социализм тинчлик ва дўстликни миллатлар ва элатларнинг ҳар томонлама ривожланишини қарор топтираётганлигига ишонч ҳосил қилдилар, деб таъкидлайди «Домингу» газетаси.

(ТАСС).

ХАЛҚ ҲУКУМАТИ МАОРИФ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛМОҚДА

ҚОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон халқ демократик партияси ва ҳукумати миллати, ёши ва жинсидан қатъий назар мамлакатнинг барча гражданлари билим олиши учун қулай шароит яратмоқдалар, деди БАХТАР агентлигининг мухбири билан суҳбатда АДР маориф министрининг биринчи ўринбосари Сайид Аҳмад.

Бугун мамлакатда, деди у, 4,5 миллион ортиқ болаларнинг ва ўрта мактаб бўлиб, уларда 1.350 минг бола ўқимоқда. Бу 1978 йилги революциягача болаларнинг атиги 26 процента мактабда ўқиш имкониятига эга бўлган, катта қишлоқ аҳолисинг 90 проценти саводсиз бўлган мамлакат учун салмоқли ракамлардир. Апрель иккилоби, деб давом қилди С. Аҳмад, бундай аҳволга чек қўйди. АДР раҳбарлари ўтмишнинг мана шу оғир мероси бўлган саводсизликни тезроқ тугатиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар.

Республикада ўнлаб янги мактаблар қурилмоқда, 150 номдан ортиқ ўқув қўлланмалари нашр этилди. Мактаб ўқувчилари 8-синфни тамомлагандан кейин юқори синфларда ўқишни давом эттиришлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларига киришлари мумкин.

Афғонистон мактабларида биринчи марта мамлакат халқларининг она тилида ўқитиш жорий этилганлиги фактининг ҳаёти ҳавф остида қолди.

Совет томони Совет элчихонасига нисбатан душманлик ҳаракатига ҳозирлик кўриладаётганлиги тўғрисида Эрон маъмурларини олдиндан хабардор қилишига қарамай, мана шундай ҳаракатлар содир бўлди.

СССРнинг Теҳрондаги элчихонасига нисбатан қилинган душманлик ҳаракати муносабати билан Эрон Ташқи ишлар министрлигига кескин норозилик билдирилди.

ДУШМАНЛИК МАШМАШАСИ

ТЕҲРОН. (ТАСС). Муайян доиралар томонидан ташкил этилган ва раҳбарлик қилиб турилган безорилар уюшмаларнинг кўп сонли группаси шу йил 27 декабрь куни Эрон маъмурларининг йўл бериб кўйишидан фойдаланиб советларга қарши машмаша ўтказиш учун, СССРнинг Эрондаги элчихонаси биноси ёнида тўпланди.

Машмаша қатнашчилари Совет Иттифоқига душманлик сўзларини бақиришди. Теҳрондаги совет элчихонаси территориясига кириб олишга урондилар. Флагштокдаги СССР давлат байроғини олиб ташладилар. Шу хатти-ҳаракатлар натижасида Совет элчихонасининг дахлсизлиги бузилишгина қолмай, шу билан бирга совет гражданларининг ҳаёти ҳавф остида қолди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан ватанпарвар кучларининг Исроил босқинчиларига қаршилик ҳаракати тобора кучаймоқда. Кеча кечкурун бир группа партизанлар Сайда шаҳридаги Исроил ҳарбий маъмурияти бошлиғининг қароргоҳига дадиллик билан ҳужум қилишган. Ватанпарварлар бинони граната-метлар ва автоматлардан ўққа тутишган. Бу ерга келаётган маълумотларга кўра, ҳужум натижасида босқинчилардан тўрт киши ўлдирилган ва 6 киши жароҳатланган. Интервенциячилар қўшини Сайдани батамом қуршаб олиб, кўчаларда назорат — ўтказиш пунктларини тузганлар, аҳолини талон-тарож, тинтув қилмоқдалар ва қамоққа олмоқдалар. Камид Ал-Лоз аҳоли пункти теварагидаги қишлоқларда ҳам кишилар кўплаб қамоққа олинган. Ана шу аҳоли пунктида бундан бир неча кун муқаддам Исроил офицерларидан уч киши ўлдирилган эди.

Босқинчилар Ливан ватанпарварларининг янги ҳужумларидан ҳавотирланиб йўллар, кўприкларга Ливан диёрида қурилган ҳарбий объектларнинг йўлакларига миналар қўймоқдалар. Мамлакат жанубида ва Бекаа водийсида босқинчидар аҳолини бита-бита текшириб чиқмоқдалар, уй-жойлар ва хизмат биноларини тинтув қилмоқдалар.

Исроил қўшиклари Байрут ва тоғли Ливанга яқин бўлган бир қанча районларда маҳаллий аҳоли ўртасида тўқнашувлар чиқармоқдалар. Сўнгги 36 соат давомида бу ерда оғир тўплар ишлатилган шиддатли отишма вақтида 18 киши ҳалок бўлган, 27 киши жароҳатланган. Исроил, деб таъкидлайди Байрут радиоси, Ливанда ўз ҳарбий қўшинлари ва қуроллараларини узоқ муддат сақлаб туриш баҳонасида тўқнашувлардан фойдаланмоқда.

Хиндистонда мустақилликка эришилгандан кейин халқ маорифини ривожлантириш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Мактабларда ўқувчилари сони 70 процентдан энёдрок кўпайиб, айни пайтда 100 миллион нафардан ошиб кетди. Ана шу ўқувчиларнинг кўпчилиги ишчи ва деҳқонларнинг фарзандларидир.

СУРАТДА: Варанаси шаҳридаги мактаблардан бирининг ўқувчилари.

БТА-ТАСС фотоси.

«ОҚ ОЛТИН-82» МАВСУМИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

НАМАНГАН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ АРМУҒОНИ

РЕЗЕРВЛАР— БОЙЛИГИМИЗ

Мамлакатимиз тарихининг бу йилги саҳифаси ҳам олтин ҳарфлар билан битилди. Чунки, коммунистик жамият барпо этишнинг янги босқичида Озиқ-овқат программаси билан қуролланган, СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга астойдил бел боғлаган, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини оғишмай амалга ошираётган қаҳрамон совет халқи буюк меҳнат ғалабаларини қўлга киритди.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ҳамда 1983 йил давлат плани ва бюджетини тасдиқлаган СССР Олий Совети VII сессияси қарорларини баланд руҳ билан кутиб олдилар ва унга амалий жавоб беришга қатъий киришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ноябрь Пленумидаги нутқида ҳамда СССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисда қилган сермазмун докладида экономикадаги, мамлакатни социал ривожлантириш ва халқаро аҳвол ҳар томонлама чуқур анализ қилинди, экономикани жадал ривожлантиришга раҳбарликни яхшилаш билан сифат ва самарадорликни янада ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Республикамизда бўлгани каби Наманган области ҳам ҳамма соҳаларда тез суръатлар билан юксалиб бораётир. Дон, сабзавот, мева, узум, полиз маҳсулотлари, картошка, пилла тайёрлаш бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилди. Моллар, парандалар бош сони ва маҳсулотлари ортди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ялпи ҳажми ўсди. Пахтакорларимиз муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Бир сўз билан айтганда, бу йил область халқ хўжалиги муттасил ва барқарор суръатлар билан ривожланди.

Ҳаммамизга маълумки, республикамиз меҳнаткашларининг юбилей йилидаги ажойиб меҳнат ютуқлари КПСС Марказий Комитети томонидан юксак баҳоланди. Ўзбекистоннинг 6 миллион тонналик пахтаси — бу СССР 60 йиллиги арафасида Ватанга қилинган муносиб совға бўлди, дейилади Ўзбекистон меҳнаткашларига йўлланган табрикда.

Республикамиз пахтачилигида эришилган ана шу ютуқларда областимиз зарошуносларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Серқуёш диёрнинг 6 миллион тонналик улкан хирмонига Наманганнинг 429 минг тонна пахтаси билан ҳисса қўшдик. Ялпи ҳосилнинг 75 процентдан кўпроғи биринчи ва иккинчи сортларга сотилди. Ҳар гектар майдондан 31,7 центнердан ҳосил олинди.

Чортоқ, Наманган, Учқўрғон, Тўрақўрғон районлари, 51 колхоз ва совхоз, 1800 дан кўпроқ бўлим, бригада ва звенолар планларини муваффақиятли бажардилар ва юксак мажбуриятлар ҳисобига кўплаб маҳсулот топширдилар. Бу йилги ҳосил мураккаб об-ҳаво шароитларида етиштирилди. Сувсизлик ,бир неча марта такрорланган табиий офатлар жиддий зарар етказди. Жами экин майдонининг 28 процентида июнь ойига қадар қайтадан чигит экишга тўғри келди. 12 процент майдондаги ўсимлик бутунлай нобуд бўлди. Ҳароратнинг бирдан кўтарилиб кетиши оқибатида эса қўпгина майдонларда ҳосил нишоналари тушиб кетди.

Пахта йиғим-теримни огир об-ҳаво шароитида ўтказишга тўғри келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Мурожаатига жавобан шаҳар ва район марказларининг аҳолиси, студент ва ўқувчилар пахтакорларга ёрдамга келдилар. Областнинг ишга яроқли ҳамма аҳолиси йиғим-теримда иштирок этди.

Қаерда барча янгиликлар, деҳқончилик ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари жорий этилаётган бўлса, шу ерда ютуқлар қўлга киритилмоқда. Чортоқ районидаги Навоий номли, «Москва», Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозлари, Косонсой районидаги «Дўстлик», Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли совхозлар ва бошқа кўплаб хўжаликлар бунинг яққол мисоли бўла олади.

Аксинча, қаерда консерватизмга мойиллик бўлса, шу ерда ишда бир маромда ўсиш бўлмайди. Бундай хўжаликларнинг раҳбарлари ўзларининг нуқсонларини об-ҳаво шароитлари билан оқлашга ҳаракат қиладилар. Асосий сабаб эса меҳнатни қониқарсиз ташкил этилиши ва меҳнат интизомининг сусайиб кетганлигидадир.

Бунинг тасдиғига битта мисолнинг ўзи кифоя қилади: Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхози қатнқ қурғоқчилик шароитида бўлишига қарамасдан юксак интизом, йилнинг конкрет шароитларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни оқилона ташкил этиш натижасида мажбуриятни адо этди. Шу райондаги «Ўзбекистон», «Москва» ва қатор бошқа хўжаликларда эса сув таъминоти яхши бўлгани ҳолда план барбод қилинди.

Баъзи раҳбар ва мутахассислар эса планни бажарилмаслигини пахта навига боғламоқдалар. Наманган районида барча майдонларга «Уйғи» нави экилди ва ҳар гектар ердан 37 центнердан, Тўрақўрғон районида эса 38,4 центнердан пахта етиштиридди.

Наманган районидаги «Коммунизм», «Левинград», «Партия XXII съезди» колхозлари ҳар гектар ердан қариб 40 центнердан, А. Жўраев, А. Халилов, Ш. Дадабоева, А. Шарипов, А. Камолов бошлиқ ва шу каби бригадаларда эса 45—50 центнердан ҳосил етиштирилди. Ҳолбуки, уларда пахтанинг сорти ва шароити ҳар хил эди. Лекин меҳнат сидқидилдан бўлди.

Партия комитетлари бу йилги фаолиятларини хўжалик кадрларининг иш натижаларига принципиал баҳо беришдан, ноябрь Пленуми кўрсатмаларини қатъият билан амалга оширишдан бошлаётирлар. Ҳаётдан орқада қолдингми, мақсадга мувофиқ ижодий ишлашни билмайсанми — ўрганиб ол, буни ҳоҳламасанг, ўз ишингни қайта кўришга кобилиятинг бўлмаса, ўрнингни ишбилармон, ташаббускор кишиларга бўшатиб бер. Даврнинг бугунги талаби шундай.

Шу кунларда иш якунлари ҳар бир хўжалик, бригада, звено бўйича чуқур, атрофлича таҳлил қилинмоқда, конкрет хулосалар чиқарилмоқда ва шу асосда келгуси режалар белгиланмоқда. Бунда бу йил етказиб берилмаган ҳосилнинг ўрнини ҳам қоплайдиган пахта етиштириш ва уч йиллик мажбуриятни бажариш назарда тутилаяпти.

Бундай мураккаб вазифа партия ташкилотлари, барча коммунистлар куч-қувватини пахтачиликни янада интенсивлашнинг бош йўналишларига қаратишни тақозо этади. Бу илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, комплекс механизацияни янада ривожлантириш ва агротехникани такомиллаштириш асосида ҳосилдорликни оширишдан иборатдир. Фақатгина юқори ҳосил етиштиришга қолмай, балки уни эрта пишишга эришиш шу кунинг асосий талаби бўлиб қолди.

Эртаги ҳосил етиштиришда ҳамма жойда Тошкент технологияси жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленумида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Бу йилнинг сабоқлари вилтга қарши курашни кучайтириш заруллигини ҳам кўрсатиб турибди. Сортларни алмаштиришни оқилона давом эттириш, алмашлаб экишни янада интенсив схемалар бўйича тўла ўзлаштириш зарур бўлиб қоляпти. Мана шу резервларни тўла ишга солмай туриб, мўл ҳосил етиштириш амри маҳол.

Бу йил 35 минг гектардан зиёд майдонда чеканка «ТУР» препарати қўлланган ҳолда кимёвий усулда ўтказилди. Бу яхши натижалар берди. Мутахассисларимиз мазкур усулни келаси йилда кенгроқ қўллаш йўлларини излаштилар. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик заруркунандаларига қарши курашни, улардан энг асосийси биологик усулни қўлланишни такомиллаштириш тадбирларини кўряпмиз. Пахта етиштиришнинг барча агротехник комплекс тадбирлари фақатгина эртаги ҳосил етиштиришга қаратилибгина қолмасдан, балки юқори сифатли пахта толаси олинишига ҳам йўналтирилмоқда. Бу йил областда янги Давлат стандарти муваффақиятли жорий этилди, ҳамма жойда ҳосилни бригадалар бўйича қабул қилиш ва баҳолаш усули қўлланилди.

Келгуси йилда ҳам сув танқислиги кутилмоқда. Шунинг учун қўшимча сув ресурсларини топиш бўйича ишларни кенгайтириш, ундан тўла ва тежаб-тергаб фойдаланиш чораларини кўряпмиз. Шу мақсадда Заркент, Варзик, Чортоқ сув омборлари, Охунбобоев номли канал қурилишини, Катта Наманган каналини бетонлаштириш ишларини тезлаштряпмиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили, умуман беш йилликнинг тиғиз планлари бутун ташкилотчилик ва идеология ишларини янада юқори даражага кўтаришни талаб этади. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Улар идеологик таъсирнинг барча воситаларидан фойдаланиб, КПСС Марказий Комитетининг май, ноябрь Пленумлари қарорларини чуқур таргиб қиладилар, планларни бажариш энг аввало кишиларнинг шахсий меҳнат улушига боғлиқлигини, қанча яхши ишласак, шунча яхши яшашимизни ҳар бир меҳнаткашнинг онгига етказадилар. Наманган области меҳнаткашлари бундан кейин ҳам бутун куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини, тажриба ва ташаббусларини КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб беришга сафарбар этадилар.

Ф. ИБРОҲИМОВ.
Халқ депутатлари Наманган область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Бу йилги об-ҳаво теким техникасини унумли ишлатиш учун ғоят ноқулай келган бўлсада Чортоқ районидаги Навоий номли колхоз механизаторлари омилкорлик билан иш юритдилар. Ҳар бир қулай фурсат, қулай дақиқа механизаторларнинг ҳисобида бўлди. Натижада машина терими салмоғи кам бўлмади. Кўплаб механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 140—160 тоннадан ҳом ашё бўшатишга эришдилар.

СУРАТДА: колхознинг пешқадам механик-ҳайдовчилари коммунист Маҳбуба Маматвалиева ва Жамолиддин Эргашев.

Ш. Осмонов фотоси.

МАҚСАД ҚАТЪИЙ БЎЛСА...

Коллективимизнинг бу йилги меҳнатини ҳақиқий қаҳрамонлик дегим келади. Агар ошириб юбормаган бўлсам, улар йўқдан бор қилишди. Чигитни бир неча марта қайта экдик. Бошқа жойлардаги ғўзалар текис шоналаган пайтда ҳам биз чигит экдик. Такрор-такрор бўлган бўрон яхлит-яхлит карталардаги ғўзаларимизни пайҳон қилиб юборди. Бироқ одамларимиз сира тушкунликка тушмади. Қатъий мақсад сари интиларди. Узоқ йиллардан бери тўплаган тажрибаларини ишга солди. Пахтамиз кечки бўлди-ю, бироқ яхшигина ҳосил яратдик.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати бригадамиз аъзоларининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Йиғим-теримни пухта ҳозирлик, уюшқоқлик, сафарбарлик билан бошладик. Натижа қувонарли бўлди. 281 гектар майдонининг ҳар гектаридан 39 центнердан хирмон кўтардик. Она-Ватан хазинасига 1481 тонна юқори сифатли саноат ҳом ашёси етказиб бердик. Бу йилгидек мураккаб шароитда мана шундай хирмон бунёд этиш дарҳақиқат қаҳрамонликнинг ўзи.

Муҳаммадали Аҳмедов стакчилик қилган звенода ҳосилдорлик 40.5 центнерга етди. Нурали Иномов, Қосимжон Ҳакимовлар раҳбарлик қилган звеноларда ҳам ҳосилдорлик салкам 40 центнерга етди. Мана шу меҳнат ютуғимизни кўриб, бир нарсага яна ҳам аниқ ишондим. Агар мақсад сари қатъий интилинса, ҳар қандай машаққатни енгиб ўтиш мумкин экан.

Ҳозир келаси йил ҳосили учун замин яратяпмиз. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаяпмиз, шўрини ювляпмиз, минерал ва маҳаллий ўғит жамғарляпмиз. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари биз учун дастуруламал бўлди. Ана шу қарорда кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида иш ташкил этяпмиз. Қиш бекорчилик эмас. Ҳосилнинг ҳақиқий замини шу кунда яратилади. Шунинг учун ҳам барча дала ишларини талабчанлик билан олиб бораяпмиз.

А. ТУРҒУНОВ.
Задарё районидаги «Гигант» колхозининг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ИПАК ПАХТАГА ИХЛОС

Колхозимиз заршуносларининг кўпдан буён олий навли ипак пахта етиштиришни орзу қилардилар. Ана шу орзу бу йил рўёбга чиқди: хўжалигимиз тарихида биринчи марта 1050 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Маълумки, ҳар қандай янгиликни қарор топтириш учун албатта даднлик даркор. Акс ҳолда янгилик чуқур илдиз отолмайди. Деҳқонларимиз баҳорда 400 гектар ерга ипак пахта уруғини экишганда олдинда турган ташвишлар одатдагидан кўпроқ бўлишини билган эдилар. Шундай бўлсада чўчимадилар. Чигит экишдан то ҳосил йиғим-теримигача бўлган даврдаги барча агротехник тадбирлар ғоят сифатли ўтказилди. Эздаги сув тақчиллиги ва бошқа қийинчиликлар заршуносларимизнинг мўл ҳосил учун олиб борган курашини анча мураккаблаштирди. Бунинг устига ипак пахтанинг ўзи ҳам табиатан жуда нозик. У алоҳида меҳрни, парваришни талаб қилади. Деҳқонларимиз бу йилги кийин шароитни ҳисобга олиб, ғўза парваришида жадал агротехника усулини қўлладилар. Бу усулнинг афзалликлари шундаки, сув ва ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятн вужудга келади. Экинлар қисқа муддатда кўп самарали ҳарорат олади. Бу эса ўсимлик ривожини анча тезлаштиради. Ана шу усул бу йилги шароитда ўзини тўла оқлаб, дейиш мумкин.

Колхозимизда мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган ажойиб деҳқонлар кўп. Юбилей йилида ана шу заршуносларнинг маҳорати, барча меҳнаткашларнинг уюшқоқлик билан кўрсатган жасоратлари туфайли минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 46,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ана шу ҳосилнинг минг тоннадан кўпроғи ипак пахтадир.

Пешқадам бригадаларимизда ҳосилдорлик янада юқори бўлди. Ёш коммунист Қаноат Олимова раҳбарлик қилаётган бригада заршуносларн ҳар гектар ердан 52 центнердан, Сойибназар Хўжаназаров бошлиқ бригада аъзолари эса 51 центнердан ҳосил кўтардилар. Алиёр Арслонов етакчилик қилаётган бригада ҳам хўжалигимизнинг юқори ҳосилли коллективларидан бири саналади. Улар юбилей йилнинг ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил кўтариш билан якунладилар. Шунисн характерлики, колхозда тайёрланган ипак пахтанинг учдан бир қисми ана шу бригада аъзоларн ҳиссасига тўғри келади.

Колхозимиз меҳнаткашлари юбилей йилини барча соҳаларда салмоқли натижалар билан якуламоқдалар. Пахтачиликдан олинадиган даромадларимиз бу йил анча ўсади. Бунга албатта ипак пахта етиштиришнинг таъсири катта бўлиши шубҳасиздир. Чунки ипак пахта кони фойда, деб бежиз айтмайдилар. Мамлакатимиз юбилейн нишонланадиган кунлар арафасида колхозимиз меҳнаткашларининг қувончига яна бир қувонч қўшилди. Колхозимиз социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди. Бу, пахтакорларимизнинг, чорвадорларимизнинг барча меҳнаткашларнинг юбилей йилидаги зарбдор меҳнатига берилган юксак баҳодир.

П. РУСТАМОВ.
Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхози партия ташкилотининг секретари.

Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхози механик-ҳайдовчиси Мавлуда Мамадиёрова бу йилги «оқ олтин» мавсумини зарбдор меҳнат билан якунлади. У ўз агрегати бункеридан 200 тоннадан зиёд дурдона бўшатди.

Ғ. Солижонов фотоси.

ЗАФАР ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Бу йил об-ҳаво мураккаб келди. Табиат нима инжиқлиги бўлса кўрсатди. Баҳор, ёз, куз айқаш-уйқаш бўлиб кетган кунлар жуда кўп бўлди. Бундай шароитда айниқса нозиктаб пахтани ўстириш, ҳосилни сақлаб қолиш анча қийин бўлади. Аммо қийин, деб қараб ўтириш ҳақиқий деҳқонга ярашмайди. Ҳар қандай мураккаб шароитнинг чора-тадбири олдиндан кўрилиши зарур.

Қаттиқ ёмғир, сел, бўрон, ҳароратнинг ҳаддан зиёд ниб етиши, бевақт қор, қурғоқчилик бизда ҳам бўлди. Бироқ табиий офатнинг чораси йўқ, деб қараб ўтирмадик. Унга қарши мардонавор курашдик, билим, тажриба, ғайратимизни қарамақарши қўйдик. Қисқаси, табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмадик. Ялпи ҳосилни 6 минг 650 тоннага етказдик. Ҳар гектар майдондан 41 центнердан қимматбаҳо ҳом ашё йиғиштириб, давлатга топширдик.

Ялпи ҳосилимизнинг 1360 тоннасини ингичка толали пахта ташкил этди. 2150 тонна «оқ олтин»имиз «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Пахтамизнинг 85 процентини биринчи сортга топширдик Бу йилги ҳосилни янги ГОСТ бўйича бригада усулида топширдик. Бу усул тола сифатига эътиборни оширди, натижада ўтган йилдагига нисбатан 1 миллион сўм ортиқ даромад олдик.

Район партия комитетининг бюро аъзоси Ш. Курбонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Тўхтабоева, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Н. Норматова, шунингдек, И. Жумабоев, И. Тургунов, Т. Дадабоев, Т. Шарифбоева, М. Раҳмоновлар етакчилик қилган бригадаларда ҳосилдорлик юқори бўлди.

Юбилей йилида сергайрат дала гвардиячимиз Маҳбубахон Маматвалиева ғолиблик қилди. У мавсумда «зангори кема»сн бункеридан 180 тонна жавоҳир тўкди. Унинг мусобақадошлари К. Шарипов, Т. Ҳасановлар эса 160 тоннадан пахта теришди. Пахта йиғим-терими даврида бир неча марта район партия комитети, район ижроия комитети область партия комитети область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқларини қўлга киритишга муяссар бўлдик.

СССРнинг 60 йиллиги нишонланган юбилей йили биз учун қўшалоқ байрам бўлди. Коллективимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Бу мукофот хўжалигимиз меҳнаткашларини янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантириб юборди.

Шу кунларда келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратяпмиз. Ҳосилдан бўшаган ҳамма майдонларга минерал ва маҳаллий ўғит солиб, икки ярусли плугларда сифатли қилиб шудгорладик. Ўтган йили сув танқислигидан анча қийналганмиз. Шунинг учун ҳам сув йўлларини реконструкция қиляпмиз. Шу билан бирга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиляпмиз.

Ҳосил салмоғини кўтаришнинг асосий омили маҳаллий ўғит жамғариш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Ҳозир маҳаллий ўғит жамғариш бригадалари қизғин иш олиб бориляпти. Чорвачилик фермаси ва аҳоли хонадонларидан тўпланаётган ғўнг пешма-пеш далага чиқарилиб алоҳида чуқурларга тўлдириляпти.

Шуни яхши биламизки,меҳнат ютуқлари ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Иш яхши ташкил этилган, меҳнат интизомига қатъий риоя қилинган, иш бошида талабчан ва ташаббусиор кишилар турган, илғор тажрибаларн, фан ютуқларини ишга моҳирона тадбиқ этилган жойда шубҳасиз ютуқ бўлади. Биз бутун куч-ғайратимизни ана шунга эришишга қаратяпмиз.

О. МИРЗААҲМЕДОВ.
Чортоқ районидаги Навоий номли колхоз раиси.

Меҳнат қаҳрамонлари область заршуносларининг фахридир. Улар бу йилги қийин шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиришда, ҳосилни саранжом-саришта қилишда барчага ибрат бўлдилар. Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исоқжон Эгамбердиев (юқоридаги суратда) фидокор ҳосил бунёдкорларидан биридир. Пастда эса шу райондаги «Коммунизм» колхози бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Халилов.

Х. Акбаров фотолари.

КАСБИМИЗ МАСЪУЛИЯТИ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни механизациясиз тасеввур этиб бўлмайди. Чунки, пахтачиликнинг интенсив ривожини таъмин этишнинг бош йўли комплекс механизация бўлиб қолди. Далаларимиз ҳамма иш техника зиммасида турибди.

Бундан йигирма йил муқаддам хўжалигимизда фақатгина ер ҳайдаш тўла техника зиммасида эди. Эндликда эса барча иш техника воситасида амалга оширилмоқда. Натижада иш унуми ҳам, сифати ҳам юқори бўлаётир. Техника совхозимизнинг қудратли қуролига айланди.

Хўжалигимиз бўйича ҳар гектар майдонда 38 центнердан ҳосил олинди. Мана шу ҳосилни етиштиришда, йиғиб-териб олишда механизаторларнинг ҳиссаси айниқса баракали бўлди. 12 та терим-транспорт отрядига жамланган 65 та терим машинаси юқори унум билан ишлатилди. Ҳар бир терим машинасида ўртача 190 тоннадан пахта терилди. Машина терими планини муддатидан илгари 107,5 процентга адо этдик.

Социалистик мусобақада Э. Абдуллаев, В. Акбаров, Ш. Мирзаев, Э. Абкоямов, И. Мамадалиев сингари дала гвардиячиларимиз 240—250 тоннадан пахта теришиб ғолиб бўлишди. Мен ўз машинамда 250 тонна пахта тердим. Машиналар ёрдамида йиғиштирилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди.

Ҳозирги кунда қишки дала ишларини янада авж олдириб юбордик. Ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлашда фаол қатнашдик. Бугунги кунда эса маҳаллий ўғит жамғаряпмиз, сув йўлларини тартибга келтиряпмиз.

Очиғини айтганда ҳосилдорликни оширишнинг жуда кўп томони механизаторларнинг қай даражада унум билан ишлашига боғлиқ. Агар механизатор ерни сифатли шдгорласа, барча майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, уни экишга сифатли тайёрласа, чигитни аниқ ва бехато экиб, ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида ўтказса, ҳосилни машиналар ёрдамида сифатли териб олса, ҳар доим юксак маррани эгаллайверади.

Кўриниб турибдики, механизаторнинг вазифаси кенг миқёсли ва миҳоятда масъулиятли. Ҳар бир механизатор зиммасидаги ўша масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда меҳнат қилса, эл олқишини оларверади, пахтачилик интенсив ривожланаверади. Мен ҳамиша ана шу масъулият ҳисси билан ишлашга ҳаракат қиляпман. Бусиз касбимиз улғуворлигини амалда кўрсатиш қийин. Шу мақсадда қишки дала ишларини кун сайин авж олдиряпмиз ва келаси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаяпмиз.

Ғ. ОСТАНАҚУЛОВ.
Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз механизаторн.

Ёш адиб Ўктам Ҳакимали ўзининг «Ҳадемай баҳор келади», «Навбаҳор», «Тонг», «Баҳор» каби китоблари билан адабиёт мухлисларига яхши таниш. У яқинда кўҳна Туркистондаги инқилоб воқеаларига бағишланган янги қиссасини ёзиб тугатди. Муаллиф мазкур асарида Қуёш исмли мард, жасур йигит бошчилигидаги Туркистон ишчи-деҳқонларининг илк инқилобий исёнларини акс эттиришга интилган.

Қуйида ана шу асардан парча эълон қилинмоқда.

ҚУЁШ

Тўқайзор, қамишзорлардаги тунги сукунатни қушлар, чигирткалар овозигина бузар, улар оламда инсон қулоқларидан узоқларда ҳам сония сари ҳаёт давом этаётганидан дарак берарди. Сарғайган ўт-ўланлар, қамишлар милтиқлар ортилган от туёқлари зарбидан яна хазин ва маҳзун қирсиллаб синар, эзилар, гўё «раҳм қилинглар» дегандай шивирларди. Улар илк кўклам кунлари ўз ҳаётларини сақлаб қолиш учун ана у инқилобчилар каби ер қобиғи остидан тепага ниш урганларидир. Қуз етиб эса сўлдилар. Боз устига сўлишларни озлиқ қилгандай, отлар туёқлари остида топталдилар, эзилдилар. Инқилобчилар ҳам кексайган умрларини янгилаш учун қайсидир кўкламда оламга кўз очгандилар. Кейин халқ учун, унинг ёруғ кунлари учун уйлари, ота-оналари, севгилилари бағрини тарк этишиб, ҳақ-ҳуқуқлари йўлида исёнга бел боғладилар. Ҳозирча улар қамишлар каби ўзларини топтайдиган, эзгилайдиган «туёқ»ларга дуч келмадилар. Балки ҳадемай улар учун топталадиган, эзиладиган кунлар етар, от туёқлари остида бўғилиб инграрлар, жонларини омон сақлаб қолиш ниятида ҳудога илтижо қилардар, балки илтижолари инобатга олинмай, топталарлар, эзилгарлар... лекин бу билан ер юзида ҳаёт нишоналари мутлақо сўлмайди, қуриб ҳам кетмайди, инқилобга ҳам чек қўйилмайди. Фақат ҳаётнинг баъзи бир гулларигина сўлади, хазон бўлади, холос. Бари бир, қайсидир илдизлари сақланиб, келгуси кўкламда эса қайтадан тепага интилади, аста-секин ҳаёт нишоналари кўрина бошлайди. Ердан яна озуқа оладида, қайтадан гуркирайди, ҳаёт ўз изига тушади. Чунки табиатнинг ўзи паноҳида асрайди. Табиатдагина ҳақиқат бор! У авлодлар учун қурбон бўлган эзгу фарзандларини ўлдиртириб қўймайди. Хазонлик ҳам ўткинчиликдир. Ахир, табиат инсонни муқаддас жонзоти — инсон қиёфасида яратди. Дард-аламлари, ғўзалликларини ҳам инсон тили-тафаккури орқали ифодалади. Табиат абадий. Қанчадан-қанча қуроллар ва қуролли маҳлуқлар Қуёшнинг орқасига тушдилар, ўт-ўланлар каби топтаб ташлашга уриндилар, лекин удда қилолмадилар. Қуёшни эзиб, топтаб ташлаш мумкин-у, лекин табиатни эзиб, топтаб ташлаш мумкинмас... Инсоннинг танасинигина ўлдириш мумкин, лекин руҳини, ирода, эътиқодини ўлдириш нисбий тушунчадир! Эркак жангларга тўғилади, жангларда ўлади. Ўйланиш, бола-чақа қилиш эса оддий, зарурий қонуниятдир...

Қуёш шу тахлит ўйлар билан отига қамчи босди. У биринчи муваффақиятга эришган, ғалаба учун зарур ўлжа-қуролни қўлга киргандай. Отлар ертўлага яқинлашарди. Ҳамма ҳам отлар ҳам муддоаларига етиб чарчаганди. Ниҳоят отлар ертўла қаршисида тўхтатилиб, қуроллар туширилди. Отлар ўтга қўйилди. Инқилобчилар эса ертўлага киришди-да, бефарқ ва лоқайдлик билан ўзларини дуч келган ерга ташлашди. Салдан кейин эса тошдай қотиб уйқуга кетишди.

Туни билан ўз ташвишларини ижулган инқилобчилар, ниҳоят эртаси кун эрталаб уйғонишди ва қайтадан мазлум ташвишларга ғарқ бўлдилар. Бу орада Қуёш йигитлари қорин ҳақида қайтариб тўқайзор, қамишзорни кезиб, тўр ёйиш, тузоқ қўйиш ва тустовуқ ҳамда қуён овлаш билан шуғулланишди. Кейин у йигатларининг уйғонишидан олдин гулхан ёқиб, олган ўлжаларини кавоб қилишга тутинди. Нонуштадан сўнг йўлга чиқишга тараддуд кўришди. Қуроллар отларга ортилишидан олдин Қуёш қуролдош дўстларини ёнига чорлади. Хотиржамлик билан ханжарини қинидан суғурар экан:

— Дўстларим! — деди одатий таъсирланиш ва терговчан нигоҳи билан кўзларига термулиб. — Қўлларингизни ханжарим устига қўйинглар! — Ўнлаб қўллар кафтдаги ханжар устига босилди. — Сотқин, жосуслар борлиги мени шундай қилишга мажбур этди. Ота-боболар руҳига қасамёд қилиб, инқилоб, Ватан, халққа бўлган виждон ва эътиқодингиз олдида сўз берасизлар. Илтимос, сўзларимни такрорланглар! «Туркистонда инқилоб йўли билан динсиз, зулмсиз давлат тузамиз! Мазлумни зулмнинг барча турларидан халос этамиз!».

— Туркистонда инқилоб йўли билан динсиз, зулмсиз давлат тузамиз! Мазлумларни зулмнинг барча турларидан халос этамиз!

— Ота-боболар руҳига қасамёд қиламизки, бу йўлда ўлиш бор, лекин чекиниш йўқ!

— Ота-боболар руҳига қасамёд қиламизки, бу йўлда ўлиш бор, лекин чекиниш йўқ!

—Озодлик йўлида сотқинлик қилганларни ўз қўлимиз билан отиб ташлаймиз!

— Озодлик йўлида сотқинлик қилганларни ўз қўлимиз билан отиб ташлаймиз!

— Ҳаммангизни ота-боболар руҳи қўлласин! Мени беҳад қувонтирдингиз!

«Қасамёд» садолари вужудларни титратиб, қиссиётларни жўш урдириб юборди. Ҳитой пайтида инқилобчилар таҳлика, қўрқувни мутлақо ҳаёлларига келтирмадилар. Юрак садолари тиниши билан даблар ханжарга босилди...

— Қолган гаплари ислёндан сўнг гаплашамиз, — деди Қуёш қасамёд шартлари бажарилгандан кейин.— Энди, мен сизларга ташкилот раҳбари сифатида буйруқ қиламан! Буйруқни бажармасликка ,буйин товлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Қуроллар тарқатилгандан сўнг ярим тунда шаҳар ўртасидаги майдонда учрашамиз. Исённи бошлаш учун ишорани ўзим қиламан, бошқариш ҳам менинг зиммамда. Девордан ошиб қулфни очиш Мирали билан Шукурга топширилади. Саройга бир пайтда ўт очилади. Тоҳир ўнг қанотдан, Мирза чап қанотдан ҳужумга ўтади. Соқчилар тинчитилгач, тўғри ичкарига босилади. Маглубият сезилган тақдирда чекинилади. Қочаётиб, рақиблар чалғитилади. Қўлга тушган одам ўз-ўзини қурбон қилишга мажбур. Марҳамат! Қулоқларим сизда...

Жавоб бўлмади. Бу Қуёшга «ризо» аломатини англатди. Салдан кейин эса от карвонлари қамишлар оралаб йўлга тушди.

Шаҳар аҳли тунги безовталик — от туёқлари овозидан уйғониб, олазарак ва дилгир бир қиёфада эшик, деразалардан ташқари мўралади. Сарпойчанг кўчаларга отилди. Кўчаларни қуролланган отлиқлар тўлдирган, улар жониворларга асабий қамчи босишар, чор ҳарбийлари истиқомат қилаётган сарой томон шошилинч ўтиб боришарди. Исёнчилар зудлик билан хилват кўчаларга бурилишар, бир зумда ғойиб бўлишар, улар ортидан янгилари кўринарди. Халқ кўпдан бери бундай қўзғалишга дуч келмаганди. Фақат одамлар эрта ё индин шундай вазият туғилиши ва етилишини тусмол билан кутишарди. Бироқ қачон, қай ҳолатда бошланишидан улар бехабар эдилар. Бугун эса бу қўзғолишни ўз кўзлари билан кўриш бахтига муяссар бўлдилар. Одамлар, исённи Қуёш бошқараётганига шубҳа қилмас, шу кез уларни бошланган исёндан ҳам сеҳрли исёнчи Қуёшнинг ўзини кўриш қизиқтирар, уни қутлаш, шарафлаш ниятиёқида эдилар. Халқ исёнчилар ортидан эргашига шайланар, «юринглар» сўзинигина сабрсиз кутарди. Бугун уларни кўчаларга ҳеч ким зурлаб, олтинлар ваъда қилиб олиб чиқмаган, ўз ҳоҳишлари, яъни зулм жон-жонларидан ўтиб, ғаш-ларини келтиргани, ортиқ чидашнинг, исёнга қўшилмасликнинг асло иложи қолмагани учунгина кўчаларга чиқишганди.

Ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга отланганларнинг сони тобора ортиб борар, шаҳарнинг қуйи-ғарб қисмига жойлашган, атрофини баланд ғиштин деворлар ўраган ва деворлар устига тиконли симлар тортилган сарой томон яқинлашардилар. Сарой дарвозасига ичидан катта ва оғир учта қулф солинган, дарвозалар байрам ва бошқа маросим кунларигина очиларди. Сарой ичида кун-тун соқчилар айланиб юришар, қушларнинг қўнишига ҳам йўл қўйишмасди. Бу ерда кундузлари мазлумларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклашга оид масалалар ҳал бўлар, устиларидан ўзлари билмаган ҳолда ҳукмлар чиқариларди. Қариб икки йилдан буён эса саройда фақат Қуёш ва уни қоқонга илинтириш масаласигина кўриларди.

Халқнинг назарида бугун даҳшатли жанг юз бериши, нигоҳлар, диққат-эътиборлар икки йилдан бери халқ тилида афсонавий қаҳрамонга айланган, тасаввурларга илоҳий, самовий руҳ бағишлаган, қалблар унга, фақат унга интилган, ақалли узоқдан бўлса-да, ўзини бир бор кўришга ошиқкан қудрат Қуёшгагина қадалганди. Оломон уни яқиндан биргина кўриш, қўлини тутиш иштиёқида талпинаётганди. Халқ наздида у гўё пайғамбарга айлангану, шу кез уни Муҳаммад алайҳиссаломни Маккадан Мадинага шараф билан ўтган пайтидаги каби олқишлаб, қаршилашарди.

— Нари тур, мен ҳам бир кўрай, яна нафасидан бенасиб қолмай, яқинлашди, — деган хитоблар янграр, бунга:

— Ҳой, қочсанг-чи, бир қўлини олай, — қасилидаги илтижолар қўшилиб кетарди.

— Қуёш дегани шуми? Бунча оҳайёт? Одамнинг бунақа каттасини кўрмагандим...

— Ҳой, оғайни, нима учун у юзига парда тутиб олган?

— Юзини ҳеч қачон, ҳеч кимга кўрсатмаганмиш. Юзида бирор айби бўлса, ажабмас...

— Моховми, песми ё шунга ўхшаш аломатлари бор, деб эшитгандим.

— Ҳой, бетамиз, овозингни ўчир, ўша узун тилингни кесиб ташлайман. Юзини ўзим кўрганман. Нақ қуёшга ўхшаб нурланиб туради.

Хитобларнинг кети узилмас, лекин Қуёш ҳеч кимга — на оломонга, на ғалларга диққат қилар, фақат совуқ қонлик билан юзидаги парда орасидан тажанг, асабий оломонни кузатиб, олга интиларди.

— Мирали, бошла, — деди Қуёш фикрини оломондан чалғитиш ниятида сарой дарвозасига яқинлашганларида. Исёнчилар орасидан олти йигит ажралиб чиқди-да, дарвоза томон юрди, яна олти йигит отларнинг жиловларини ушлади. Оёқлар эгарларга қўйилиб, кўтарилди. Қўллар дарворга тирмашди. Худди шу пайт ичкаридан ўқ узилди. Йигитлардан бири «оҳ» деб кўзларини юмди ва сал ўтмай узангига осилиб қолди, сўнг «гуп» этиб ерга тушди. Навбатдаги узилган ўқлар эса бошқа йигитларни ҳам ағдарди.

— Дарвозага ўт очилсин! — қулоқларга йўғон, асабий овоз эшитилди.

Дарвоза бир неча лаҳза ўққа тутилди. Лекин оломон бунга сабр қилмай, орқага тисарилиб, қайтадан олдинга силкинди. Иккинчи зарбдан кейин дарвоза занжири узилди. Ичкарига биринчи галда отлиқлар, ундан кейин яёвлар кириши. Режага кўра отлиқлар чап ва ўнг қанотдан ҳужум бошлашди. Қуёш эса ўрта сафни бошқарди. Қичқириқ ва ҳайқириқлар кучайгандан кучаяр, бунга дод-фарёдлар қоришиб кетар, тинимсиз узилаётган ўқ овозлари эса қулоқларни қоматга келтирарди. Отлар, одамлар йиқилар, туёқлар остида қолар, не азоблар билан туришар, сўнг бир неча он нима қилиш, қаёққа юришни билолмай, гангиб, охири ўзларини четга уришарди. Ўқ узишлар тобора қийинлашиб борар, энди навбат милтиқ қўндоқлари жангига кўча бошлаганди. Жанг шу қадар шиддатга мингандики, ҳатто рақиблар таниё олмай, ўз одамларига ҳам зарба берар, оғриқлар сезилмас, таналаридан оқаётган қонларга ҳеч ким қизиқмас, баъзан қонсираб йиқилаётганларга ҳам бирор одам эътибор бермасди. Ниҳоят, Қуёшнинг кўзларига қуролларини ташлаб қочаётган рақиб-аскарлар чалинди. Худди шу пайт миясига: «Демак, ғалаба биз томонда» деган ўй ярқ этиб урилди ва жон ҳолатда йигитларини олдинга ундай бошлади. Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, эса рақиб аскарлар мутлақо қочишиб, майдонни бўшатишди. Кейин бирдан юракларгача келтирадиган гумбурлаш эшитилди. Рақиб томон тўпларни ишга солишганди. Тўп бир неча бор гумбурлади. Тўп ўқлари исёнчиларни ортига чекинишга мажбур этди. Қуёш олазарак ён-верига алангладди ва оёқлар остида юзлаб қурбонлар —йигитларни кўрди. Кейин кўзларига ўлартириларига қарамай, дарвозадан чиқаётган оломон чалинди. Зўр бериб ўзларини четга тортаётганлар орасида Шукур, Мирали, Мирзалар кўринди. Галдаги тўп гумбурлаганда Қуёш мутлақо гангиб қолди. Отининг жиловини буришга уринганда атрофида учта отлиқ пайдо бўлди-ю, сиқиб келаверди. Милтиғини кўтариб ўзига ўнглашга ҳам улгурмади, пешанасига оғир ва қаттиқ бир нарса тушди ва ўрнидан иссиқ нарса тирқираб отилди-да, юзига ёйилди. Дарҳол кўзлари тиниб, боши айланганини ҳис этди. Қайта кўзини очганда қаршисида юзи чопилган, гўшти осилиб қолганига қарамай, аввалги шиддати билан қўндоқ жанги қилаётган Миралини кўрди. У бутун кучини оёқларига жамлаб Мирали томон силжиди, лекин кўмаклашишга улгурмади. Бўйнига милтиқ қўндоғи тушди ва қўллари ўз ихтиёрисиз қувватсизланиб, охири шалвираги, «шилқ» этиб ерга йиқилди. Оти эса ҳуркиб тагидан чиқиб қочди ва анча жойгача чопиб бориб тўхтади-да, ортига ўгирилди, сўнг қорнига текан ўқ зарбидан чалқанча ағанади.

Ниҳоят, ўқ овозлари тиниб, шовқин-суронлар босилди. Аста-секин майдон сув сепгандай жимиди. Чўзилиб қолган мурдалар, ер юзида ҳалқопланган қонлар ҳисобга олинмаса, гўё майдонда ҳеч нарса юз бермагандай эди Кечга яқин мурдалар араваларга ортилиб, қаёқ-адир олиб кетилди, ерлаги қонлар эса тез орада ювиб ташланди, шу бугун майдон аввалги ҳолига қайтди...

Ўктам ҲАКИМАЛИ.

СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг Тошкент филиали республикамиз медицина фанининг байроқдори ҳисобланади. Бу ерда медицина ходимлари томонидан ҳар йили қариб 1,5 минг операция ўтказилмоқда. Турли касталикларни аниқлаш ва беморларни даволаш бўйича мазкур муассаса коллективи қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

СУРАТДА: катта лаборант Т. Гаврюшина (чапдан) ва врач-радиолог И. Рябинкиналар радиологик тадқиқот ишлари, олиб боришмоқда.

А. Ваншгейн фотоси. (ЎзТАГ).

Ҳар тўғрида

ОДАМХЎР ТИМСОҲ ЎЛДИРИЛДИ

Бирманинг Аракан миллий областидаги Мраук-У районн аҳолисига бир ой мобайнида катта хавф туғдирдирган одамхўр тимсоҳни ўлдириш учун мунтазам армияни чақиришга тўғри келди. Қонхўр йиртқич овчилар томонидан ўйилган қопқонларга усталик билан чап бериб, дарё қирғоғидаги қишлоқлар аҳолисига пистирма қўйарди. Нигирма нафардан зиёд киши бу даҳшатли тимсоҳнинг қурбони бўлди. Бирма армиясининг 92-батальони солдатлари деҳқонларга ёрдамга келдилар ва ниҳоят одамхўр йиртқичнинг изига тушиб, уни отиб ўлдиришга муваффақ бўлишди. Маълум бўлишича, унинг узунлиги 7 метр экан. «Лоута пьиду Нейзин» газетасининг ёзишича, Бенгалия бўғозига қуйилувчи дарёларда бундан ҳам каттароқ, узунлиги 8 метрга етадиган тимсоҳлар бор.

ЭСДАН ЧИҚИБ ҚОЛГАН ПОЕЗД

Қоҳирадан 16 километр наридаги кичик станцияда узоққа қатнайдиган поезд семафорнинг қизил чироғи билан тўхтатилди. Станция бошлиғи машинистдан ўнта вагон қаерда қолганлиги ҳақида изоҳ талаб қилди. Машинист бўлса ҳеч қандай жавоб беролмай елкасини қисиб қўйди, холос. Аниқланишича, поезд жўнашидан олдин машинист вагонларни перронда қолдирган экан. Поезднинг йўлга чиқишини кутавериб, тоқати-тоқ бўлиб, ниҳоятда ғазабланган йўловчилар вокзал маъмуриятидан изоҳ талаб қилишганида бу маълум бўлиб қолган.

ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИ

Американинг «Уорлд оф роботс» компанияси механик «эшикбон» яратди. Мазкур робот эшикнинг очиши меҳмонларни уйга таклиф қилиши, уларга хизмат кўрсатиши, квартирани йиғиштириб қўйиши ва яна шунингдек, унинг ёдда сақлаб қоладиган қурилмасига ёзиб қўйилган бир қатор операцияларни бекамм-кўст бажариши мумкин. Мижознинг илтимосига биноан у эркак, аёл ёки болалар овози билан ҳам «гапира олади». У тунда улаб қўйиладиган аккумляторлар «тўйинади».

ЭНГ ҚАДИМИЙ

Бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган энг қадимий кўприк шарқий Туркияда. У эрамиздан аввалги 850-йиллар атрофида қурилган.

* * *

Швейцариянинг Орунд шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда қазишма ишлари олиб борилаётганда энг қадимий нон топилди. Олимлар лойдан қурилган печкадаги нон бўлакларига 1400 йилдан кўп бўлганлигини белгиладилар.

* * *

Энг қадимий тошлар Гренландияда бор. Тадқиқотчилар бу ердаги баъзи гранит бўлакларига 3980 миллион йил бўлганлигини аниқлашди.

* * *

Лондондаги музейда ойнадан тайёрланган энг қадимий буюм сақланмоқда. Бу мунчоқнинг «ёши» 5500 йил. У иглиз археологи Ф. Пири томонидан топилган. (ТАСС).

СПОРТ

● ХОККЕЙ

БИРИНЧИ ЛИГАДА

СССР чемпионатининг биринчи лигасида ўтказилган навбатдаги тур учрашувлари томошаоиларда яхши таассурот қолдирди. Бунда командаларнинг ҳужумкорликда ҳаракат қилишлари туфайли дарвозаларга олдинги турга нисбатан кўплаб шайба киритилди.

Тошкентнинг «Бинокор» командаси ўз майдонида бўлган икки учрашувда ғалаба қозониб, очколар сонини 34 тага етказгани ҳақида хабар берган эдик. Бошқа ўйинлар ҳам кескин ва жанговар курашларга бой бўлди. Биринчиликда якка пешқадамликни давом эттираётган Новосибирскнинг «Сибирь» коллективи яна ўз мухлисларини хушнуд этди. Пешқадам рақиб майдонида шайба суришига қарамай ўз ўйин услуби — ҳужумкорликка асосий эътиборни қаратди. Новосибирскликларни Череповецнинг «Металлург» хоккейчилари қабул қилишди. Меҳмонлар биринчи кунги ўйинда майдон эгалари дарвозасига еттита шайба ўйлашди. Мезбонлар эса икки маротаба муваффақиятга эришдилар. Такрорий матч ҳам «Сибирь» коллективи устунлигида давом этди. Бу сафар новосибирскликлар майдон эгаларини ўйинни тўққиз маротаба марказдан бошлашга мажбур қилишди. Ўз дарвозаларидан эса фақат олтр шайба утказиб юборишди, холос.

Турнир жадвалининг иккинчи погонасида бораётган Саратовнинг «Кристалл» клуби оу турда бир очко йўқотди. Саратовликлар ҳам сафарда ўйин утказишди. Улар Новосибирскда маҳаллий СКА хоккейчиларининг меҳмони бўлдилар. Биринчи учрашувда меҳмонлар 10:4 ҳисобида ғолиб чиқишди. Такрорий матч жанговар дуранг (3:3) билан якунланди.

Минскнинг «Динамо» командаси ҳам ўз уйини билан совринли ўринлардан бирига даъвогар эканлигини исботлашга ҳаракат қилмоқда. Минсклик хоккейчилар мазкур турда ҳисобларидаги очколар сонини яна тўрттага кўпайтиришди. Улар уз майдонларида Тюменнинг «Рубин» клубига қарши шайба суришди. Биринчи кунги учрашувда минскликлар меҳмонлар дарвозасига жавобсиз еттита шайба киритишди. Такрорий матчда эса 5:2 ҳисобида устун келишди.

Шу турнир бошқа учрашувлари натижаси билан танишинг: — «Торпедо» (Усть-Каменогорск) — «Торпедо» (Тольятти) — 5:2, 4:4, «Енбек» (Олмаота) — Ўрицкий номли спорт клуби (Қозон) — 5:6, 3:1, «Буран» (Воронеж) — «Молот» (Перьм) — 2:7, 5:4.

Юқоридаги ўйинлар натижасидан сўнг биринчи лига коллективлари турнир жадвалида қуйидаги тартибда ўрин эгаллашди.

	У	Ш	О
«Сибирь»	32	229—75	60
«Кристалл»	34	206—118	52
«Динамо» [Мн]	34	177—112	51
Урицкий номли спорт клуби	34	154—124	46
«Торпедо» (У-К)	34	167—146	45
«Автомобилист»	30	141—99	38
«Торпедо» [Т]	34	151—125	38
«Динамо» [Х]	32	150—123	34
«Бинокор»	34	129—133	34
«Металлург»	34	131—156	31
«Молот»	34	135—130	29
«Енбек»	34	148—159	25
«Дизелист»	34	134—188	18
СКА	34	118—182	17
«Буран»	34	99—242	12
«Рубин»	34	65—222	6

Редактор ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ҚАЕРДА ВА ҚАЧОН?

Янги йилни ер юзининг турли ерларида турлича вақтларда кутиб оладилар. Ҳар доим кўм-кўк бўлиб турувчи арча, Қорбобо ва Қорқизлар кўпинча бу байрамнинг асосий қаҳрамонлари бўлишади.

⊙ Венгрия қишлоқларининг аҳолиси янги йил кечаси яқинлашганда печкаларга ўт ёқишади. Ташқарига учқун қанча кўп учиб чиқса, баҳорда мазкур ўнда жўжалар шунча кўп тухум очиб чиқади, деб ҳисоблашади. Аммо учқунларни қушларнинг болаларигина ҳисоблашади. Уларга бу меҳнатлари учун ёнғоқлар берилади.

⊙ Кубада янги йил 24 декабрдан бошлаб байрам қиливди. Байрам тантанаси икки ҳафта давом этади. Кубаликлар арчалар ўрнига хурмо дарахти қўчатларини пуфаклар, шамлар ва пахталар билан безашади. 6 январда ёш кубаликлар учун «Уч қирол» байрами бошланади. Болалар кечқурун «қирол»ларга истаклар билдириб, илтимослар қилиб, ўзларини ҳафа қилганлар устидан шикоятлар ёзишади, болалар киядиган бошмоқлар ана шу хатлар — учун «почта ящиги» ролини ўйнайди. Эрталаб бошмоқларга эгаларининг истакларига мувофиқ совғалар солиб қўйишади.

⊙ Японияда янги йил бошланиши билан байрам қилинмайди, аксинча бу ерда дарҳол уйқуга ётиш, эрталаб тонгда туриш ва янги йилни чиқиб келаётган қуёшнинг илк нурлари билан бир вақтда кутиб олиш одати қабул қилинган. Чамаси, бирон бир киши тўйиб ухлаёлмаса керак... Ўша куни уй бекалари анъанавий таомлар тайёрлашади. Байрам столида албатта макаронлар бўлиши шарт. Улар узоқ умр кўриш рамзи ҳисобланади. Нўхат ейиш саломатликни, гуручли печенье ейиш омлада тўкинликдан далолат беради.

⊙ Франция қишлоқларида янги йилни кутиб олиш учун бошқа онлаларга таклиф этилган меҳмонлар совға сифатида йўғон тараша олиб кирадилар. Бу онлада эсонмонлик белгисидир.

⊙ Данияда ярим кеча бўлганда уй бекаси қайнатилган пирин гуруч солинган катта товоқ келтириб, столга қўяди. Унда мағиз ширилган бўлади. У кимнинг олдидан чиқса, арча тагидаги совғаларнинг энг яхшисини олади.

М. Махмутов тўплаган.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ПАЙШАНБА

30 ДЕКАБРЬ
СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Дўстлик хороводи». Республикалар Пионерлар саройлари болалар бадиий коллективларининг концерти.
10.25 Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида. «Икки дўст». Бадиий фильм.
11.40 «Жаҳон халқлари ижоди».
12.10 «Этик қийган ит». Мультфильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет турмуш тарзи». Ҳужжатли фильмлар:
«Муваффақият формуласи» [Тошкент].
«Қарор сатрларида» [Ростов кинохроника студияси].
15.50 «Янги йил карнавали».
16.20 «СССР — бизнинг Ватанимиз» Бутуниттифоқ бадиий кўргазмасидан репортаж.
16.50 «Шахмат мактаби».
17.20 «Республикалар ва қалблар иттифоқи». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.15 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри артистларининг концерти.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Концертнинг давоми.
20.25 «Москва адреслари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Сендан қўрқмайман, аёз», «Бэленел ва Мяунел Янги йилни кутиб олишмоқда», «Яхмалакка кел». Мультфильмлар.
10.00 «Жонажон мамлакат бўйлаб». Кинокўрсатув.
10.30 Пермь Давлат академик опера ва балет театри артистлари ҳамда Пермь хореография билим юрти талабаларининг концерти.
11.05 «Ҳужжатли экран».
12.05 «Горничлар, қаердасиз!»
12.50 «Сиз менга мактуб йўллабсиз». Бадиий фильм [субтитр билан].
14.20 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган дўстлик музикали телевизион эстафетаси.
15.55 «Сельве Венесуэли».
16.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
17.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Экономика тежамли бўлиши керак».
19.05 «Пакет». Телевизион бадиий фильм.
20.15 Халқ куйлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Зоркий» [Красногорск] — «Енисей» [Красноярск]. Красногорскдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Сен томон бораяпман, куш». Илмий-оммабоп фильм.
22.15 Ёшлар командалари ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — Канада терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
23.45 Совет композиторларининг куйлари янгради.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Дўстлик хороводи».
12.00 «Аёз бобо». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун концерт.
18.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Рус даласида ҳашарда» [рус.].
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Тошкентнинг олтин кузи» I Бутуниттифоқ санъат фестивали. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.45 «Бугун оламда нима гап», Халқаро аҳвол кундалиги.

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ» «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р—07580.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000. ТОШКЕНТ —П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21. 33-54-33 32-54-42 Масъул секретари — 33-09-93. 32-56-26. Секретариат — 32-54-48 32-56-25 Партия турмуши бўлими —32-56-34 32-56-22 Деҳқончилик бўлими — 32-56-35. 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33 Қишлоқ қурилиш бўлими —32-54-44 Маданият адабиёт ва санъат бўлими —32-56-36 Ахборот ва спорт бўлими —32-54-46 Хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 32-54-52. 32-56-39. Таржима бўлимлари 32-56-37 32-54-54 Сатира ва юмор бўлими —32-54-52 Иллюстрация бўлими —32-56-27 32-58-83 Эълонлар бўлими —33 81-42

Нашриёт диспетчери —32-78-94 Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси —33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. — 1198.